БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 121 (1125)
18 ИЮНЬ
ЧОРШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Республика инженер-техник ходимлари ва новаторлари биринчи съезди қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР саноати, транспорти, алоқаси ва қурилишларининг барча ходимларига Мурожаати (1- ва 2-бетлар).

Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съездига КПСС делегацияси жўнаб кетди (2-бет).

Непал короли ва қироличасининг Ереванда бўлиши (2-бет).

Социалистик маданиятни янада яшнатиш учун (2-бет).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми (2-бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **Х. Собиров.** — Муомала харажатларини камайтириш ҳақида китоб (2-бет).

Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик! Мўл ҳосилга шу кунларда пухта замин тайёрлайлик (3-бет).

И. Реут. — Каноп ва жут етиштиришни янада кўпайтирайлик (3-бет).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА: Венгрияда маориф ишларининг ривожланиши. СССРда хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида эронлик журналистларнинг ёзганлари (3-бет).

Мустақил тараққиёт йўлида (4-бет).

Суғоришни кечасию-кундузи сифатли ўтказайлик

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кураш энг қизғин ва масъулиятли даврга кирди. Шу кеча-кундузда барча майдонлардаги ғўзалар ҳам культивация, ҳам чопиқ қилиниши, ҳам суғорилиб, озиқлантирилиши керак. Бу ишлар бир-бирига маҳкам боғлаб олиб борилган тақдирдагина ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни тезроқ тугатиш, барча майдонларда ғўзаларни бир текис ўстиришга эришиш мумкин.

Серқуёш республикамизда ёзнинг энг қайноқ кунлари бошланди. Ҳозирги ҳар бир соат пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта қийматга ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Айни шу кунларда пахта далаларида қилинаётган фидокорона меҳнат — сифатли культивация ва чопиқ, юксак агротехника қоидаларига мувофиқ ўтказилаётган суғориш ва озиқлантириш 500 минг тоннанинг тақдирини ҳал қилади. Агар биз бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилсак, бутун куч ва моддий-техника воситаларини тўла ишга солиб, пахта далаларидаги ишимизнинг суръатини янада оширсак, сифатини янада яхшиласак, ғўзанинг ўсишидаги 10-12 кунлик кечикишни июнь ойидаёқ тугатишимиз, Кремлда олган юксак социалистик мажбуриятимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз мумкин.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда барча агротехника тадбирлари қатори суғориш ҳам муҳим роль ўйнайди. Суғоришни тўғри ташкил этиш — шу кеча-кундузда ғўза парваришидаги ҳал қилувчи вазифалардан биридир. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида сувчи томонидан эгатлар бўйлаб оқизилаётган ҳар бир литр сув ғўзаларнинг барқ уриб ривожланишига, тезроқ ўсиб, ҳосилга киришига ёрдам беради. Сув — ғўзанинг қон томиридир. Сувчи — мўл ҳосил учун курашда, ҳосилнинг тақдирини ҳал қилишда марказий фигурадир.

Янгийўл районининг колхозчилари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари область пахтакорларига қилган Мурожаатларида бундай деб ёзган эдилар:

«Суғориш ғўза парвариши агротехникаси соҳасидаги энг муҳим тадбирлардан биридир. Кўпгина майдонлардаги ғўзаларни суғориш иши нечиктириб юборилганлиги муносабати билан ҳам ҳозирги пайтда суғориш иши катта аҳамиятга эгадир. Баҳорда ёғингарчилик кўп бўлганлиги туфайли тупроқ ўтириб, зичлашиб қолди. Шунинг учун ҳам культивацияни ва кетмон чопиғини сифатли ўтказиш учун зарур шароит ҳозирлашда экин майдонларини суғориш катта аҳамиятга эга. Ниҳоят, ҳозирги пайтда куннинг исиб кетганлиги муносабати билан ҳам суғориш ишларини кучайтириб юборишимиз зарур».

Янгийўлликлар ўз сўзларига амал қилиб, суғориш ишларини қатъий табақалаштирган ҳолда ўтказмоқдалар. Суғоришни кечаси-ю, кундузи тўғри ташкил этиш учун сувчиларнинг сони максимал даражада кўпайтирилди, кечалари ишлайдиган махсус сувчилар группаси ташкил этилди. Янгийўлликлар ғўзани икки томонлама культивация қилиш ишини юқори сифатли ўтказиш, техникадан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида бригадаларга марказлаштирилган ҳолда сув беришни тажриба қилиб кўрмоқдалар. Сув юборишнинг бу системаси ҳамма ариқлардаги сувлардан тўғри фойдаланиб, маълум майдонлардаги ғўзаларни бир вақтда суғориш имкониятини бермоқда.

Янгийўл район колхозларида суғориш иши билан шуғулланадиган колхозчилар, айниқса тунги сменада ишловчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган — меҳнат кунлари ва унга ҳақ тўлашнинг табақалаштирилган нормалари белгиланган, иссиқ овқат ташкил қилинган, шунингдек энг яхши сувчиларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бир колхозда мукофот фонди ажратилган.

Янгийўлликларнинг бу яхши ташаббуси тақдирга ва кенг оммалаштиришга сазовордир. Илғор колхоз ва совхозлар Янгийўл пахтакорларининг Мурожаатига қўшилиб, ғўза қатор ораларини ишлашни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар, суғоришни ҳар бир участкладаги ғўзанинг аҳволига ва ер шароитига қараб табақалаштирилган ҳолда ўтказмоқдалар. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва Бўка районидаги Вильямс номли колхозларда ана шундай қилинмоқда.

Бироқ областимизда шундай колхоз ва совхозлар ҳам борки, улар суғориш ишини пайсалга солиб, ғўзаларни сувдан қолдирмоқдалар, ўсимликнинг ривожланишини сабабсиз кечиктириб юбормоқдалар. Областда шу кеча-кундузда суғориш ишининг суръати ниҳоятда паст. Ҳозирга қадар мавжуд пахта майдонининг ярмиси ҳам суғорилмаган. Суғоришни ўтказишда Пискент, Октябрь, Юқори Чирчиқ, Ўртасарой ва Верхне-волинск районлари айниқса кейинда қолмоқдалар.

Верхне-волинск районида 25 кун ичида 6 минг 310 гектар пахта майдонидан фақатгина 3 минг 647 гектари суғорилган, холос. Шу кунларда районда кунига 600-650 гектар ерни суғориш имконияти бўлгани ҳолда, суғорилган пахта майдони 250 гектардан ошмаётир. Райондаги энг илғор колхозлардан ҳисобланиб келган Куйбишев номли, Карл Маркс номли ва «Победа» колхозларида биринчи суғориш ҳалигача тамомланган эмас. Свердлов номли, Максим Горький номли ва «Қизил Октябрь» колхозларида чанқоқ ғўзалар суғорилмаслан, сув исроф қилинмоқда. Ўртасарой районидаги «Гулистон», «Полярная звезда», «Коммунизм» ва Сталин номли колхозларда ҳам сув кўча-кўйларга оқизилиб, нобуд қилинмоқда.

Боёвут районидаги 3-«Боёвут» совхозида шу кунга қадар ҳали бирон марта суғорилмаган 2 минг гектарга яқин ер бор. Меҳнат нотўғри уюштирилганлигилан ва сувчиларнинг иши устидан контроль йўқлигидан совхозда тунги суғориш ёмон ташкил этилган. Совхознинг 5-бўлимида шу кунларда 67 сувчидан фақат 12-15 кишигина тунги суғоришда қатнашмоқда. Сувчилар ғўзани бостириб, сифатсиз суғормоқдалар. Совхознинг бошқа бўлимларида ҳам сув ғўзага қўйилмасдан исроф қилинмоқда. Совхоз директори Рашидов, бош агрономи Гусаров ўртоқлар бу камчиликларни кўра-билатуриб, суғоришни тўғри ташкил қилиш юзасидан тегишли чора кўрмаётирлар.

Сувдан тўғри ва тежамли фойдаланиб, ғўзаларни табақалаштирилган ҳолда талабига қараб қондириб суғориш — шу кеча-кундузда ғўза парваришидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Суғориш масаласига енгилтаклик ва ўтакетган масъулиятсизлик билан қараш — сувни исроф қилиш, ғўзани бостириб суғориш ёки бўлмаса чанқатиб қўйиш жиноятдир.

Ҳар бир литр сувнинг қадрига етиш, ҳамма жойда суғоришни эгатдар орқали бутун сутка давомида ва сифатли ўтказиш, сувнинг нобуд бўлишига, зовур, йўл ва бекорчи ерларга оқизилишига йўл қўймаслик лозим.

Ҳамма колхоз ва совхозларда суғоришнинг бориши юзасидан қатъий контроль ўрнатайлик, суғоришни кечаси-ю, кундузи сифатли ўтказиб, барча пахта майдонларида ғўзаларнинг бир текис ривожланишини таъминлайлик!

Республика инженер-техник ходимлари ва новаторлари биринчи съезди қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР саноати, транспорти, алоқаси ва қурилишларининг барча ходимларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуғ В. И. Ленининг меҳнат унумдорлиги оқибат натижада янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарсадир, деган кўрсатмасига амал қилиб, социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб боришга энг кўп эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда.

Меҳнат унумдорлиги ошса халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари муваффақият билан ривожланади, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси ялпи юксалади.

Меҳнат унумдорлиги, даставвал фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини доимо ривожлантириб бориш ва изчиллик билан жорий этиш ҳисобига, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан ўсади.

Мамлакатимизнинг атом ва ракета техникаси соҳасида эришган ажойиб ютуқлари ҳаммамизни беҳаё қувонтиради ва фахрлантиради.

СССР меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турибди. У, Англия ҳамда Франциядаги меҳнат унумдорлиги даражасидан анча ўзиб кетди.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторларининг куч-ғайрат сарфлаб ишлаши натижасида республика корхоналарида ва қурилишларида техникани янада тараққий эттириш юзасидан анчагина иш қилинди. Янги техниканинг жорий этилиши Ўзбекистон халқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришнинг қудратли воситаси бўлди. Республикамиз халқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш планларини муттасил бажариб келмоқда.

Инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторлари республика олимлари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб, халқ хўжалигига фан ва техника ютуқларини жорий этиш соҳасида бирмунча ишлар қилдилар.

Республика энергетиклари Совет Иттифоқида биринчи бўлиб энергетика системаларини автоматлаштириш ва узоқдан туриб бошқаришни кенг миқёсда амалга оширдилар.

Республика кимёгарлари ишлаб чиққан ва жорий этган аммиак селитранинг янги турини ишлаб чиқариш усули, суперфосфатни узлуксиз аммонийлаштириш схемаси, паст сортли кўмирни қайнаб турган қоришмада газга айлантириш ва бошқа янги технология процесслари Совет Иттифоқида ва мамлакатимиздан ташқари жойларда ҳам кенг равишда қўлланилмоқда.

Машинасозларимиз конструкторлар ва республика олимлари билан биргаликда кейинги йилларда юксак унум билан ишлайдиган ва пахта тозалаш, пиллакашлик, тўқимачилик, кабель саноатини комплекс механизациялашга хизмат қиладиган бир қанча оригинал машина ва механизмлар яратдилар. Асбоб-ускуналарни механизациялаш ва модернизация қилиш юзасидан ҳам анчагина иш қилинди. Нефть, кўмир, кончилик, руда, енгил ва озиқ-овқат саноатида ҳамда саноат ва қурилишнинг бошқа тармоқларида механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди.

Шу билан бирга, инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторлари қайд қиладиларки, янги техникани, илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида, айниқса ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида республика халқ хўжалигидаги катта имкониятлардан ҳали етарли фойдаланилаётгани йўқ.

Республиканинг бир қанча корхоналари ва қурилишларида янги техника, илғор технологияни жорий этиш юзасидан системали ва планли иш олиб бориш ўрнига баъзан кампаниячиликка йўл қўйилмоқда.

Ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари баъзан қўллаб-қувватланмайди, уларнинг тажрибалари кўпинча кенг оммага ёйилмайди.

Шундай ҳоллар ҳам рўй бермоқдаки, фан ва техниканинг қимматли ютуқлари ишлаб чиқаришга сust жорий этилмоқда, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг номақбул формаларини сақлаб қолишга йўл қўйилмоқда ва ишлаб чиқаришни тайёрлаш қониқарсиз олиб борилмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга халақит бермоқда.

Биз Республика инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторлари биринчи съездининг қатнашчилари ялпи мажлисларда ва секцияларда ишлаги ижобий тажрибани умумлаштирдик ва техника прогрессини амалга оширишдаги нуқсонларни очиб ташладик. Биз Ўзбекистон саноати, транспорти ва қурилишининг ходимларини меҳнат унумдорлигини тез ва тез суръатлар билан ўстириш, маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш учун мавжуд бўлган барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланишга чақирамиз.

Ўртоқлар! Саноат, транспорт, алоқа ва қурилишдаги барча ходимларнинг энг муҳим вазифаси, аввало, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва маданиятини ҳар томонлама оширишдан, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш процессларини электрлаштириш, газлаштириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш негизида техника тараққиёти суръатини кескин кучайтиришдан, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясини доимо такомиллаштириб бориш ва маҳсулот единицаси ишлаб чиқаришга хомашё, материал, ёқилғи ва электр қуввати сарфлашни камайтиришдан ва шу асосда халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажаришдан иборат.

Республика металлурглари халқ хўжалигига кўпроқ руда, рангли металлар, пўлат ва прокат етказиб беришлари лозим.

Рудаси оз қатламларда руда олишнинг камайиб кетишини жуда қисқартиш учун очиқ усулда ишлайдиган конларда қия қудуқлар пармалашни тезроқ жорий этиш, конни ёғоч ўрнига бетон билан мустаҳкамлаш керак. Рудани чуқур қудуқлардан кавлаб олиш методини жорий этиш натижасида пармаловчиларнинг меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар ошади.

Рангли металлургия корхоналарининг коллективлари минерал хом ашёдан комплекс фойдаланишни таъминлашлари, рух, қўрғошин ва бошқа рангли ҳамда бошқа металларни ажратиб олишни кўпайтиришлари, кўп металли руда ларини оғир суспензияларда саралашни жорий этишлари зарур.

Олтинтопган ва Ингичка кони ходимлари ер ости рудаси чиқаришдаги барча ишларни комплекс механизациялашга эришишлари: Қўйитош, Лангар ва Карноб конларида рудани тозалаш забойларидан келтиришни ва кон-проходка жойларидан жинсларни чиқариб ташлашни тўла механизациялаштиришлари керак. Карьерда паровоз ўрнига электровоз ишлатиш лозим.

Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи металлургия агрегатларидан фойдаланишни яхшилаши, агрегатларнинг бекор ҳаракат қилишини ва ишсиз туришини камайтириши, пўлат ва прокат чиқаришни ҳар бир ишчи бошига кўпайтириши, маҳсулот таннархини камайтириши ва яқин вақт ичида заводнинг рентабель ишлашига эришиши керак.

Бу вазифаларни бажаришда мартен печларини реконструкция қилиш йўли билан уларнинг қувватини янада ошириш, кислород пуркашни жорий этиш, темир-терсакни тайёрлаш ва уларни сортларга ажратишни яхшилаш, пўлатни узлуксиз тақсимлашни ўзлаштириш, саноат печларини табиий газ билан иситишга кўчириш, асосий металлургия процессларини тағин ҳам механизациялаш ва автоматлаштириш сингари янги техника ва илғор технологияни жорий этиш тадбирларини кўриш катта аҳамиятга эгадир.

Биз республика машинасозларини қисқа вақт ичида халқ хўжалигини янги техника билан қуроллантириш учун серунум машиналар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларини яратиш юзасидан конструкторлик ва тажриба ишларини кенг авж олдиришга, чиқарилаётган машиналарни ихчам ва енгил қилишга, машинасозликда пластмасса, металлокерамика, прокатнинг тежамли хилларидан фойдаланишни кенгайтиришга, аниқ деталлар ва темирчилик заготовкалари олишнинг илғор методларини, шунингдек янги автоматик ва поток линияларни жорий этишга чақирамиз.

Биз тайёрланаётган машиналарнинг сифатини анча яхшилаш зарурлигига алоҳида эътибор берамиз.

Механика цехларини ихтисослаштирилган асбоб-ускуналар ва автоматик станоклар билан янада системали қуроллантириш зарур.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари оллида айниқса масъулиятли вазифалар турибди. Ҳозирги пайтда пахтачиликда ишлатилаётган механизация воситаларининг кўпчилиги техникавий савияси жиҳатидан пахтачилик агротехникасининг янги прогрессив усулларига ўтишнинг замонавий талабларига жавоб бермаётир.

Биз машинасозларни, конструкторларни ва олимларни очилган чаноқлардаги пахтанинг ҳаммасини камида 90 процентини тўла теріб оладиган янги пахта териш машиналари конструкциясини ишлаш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишларини, пахта ва кўракни бир йўла териб берадиган, ғўзапоя юладиган ва тўкилган пахтани териб оладиган янги машиналар яратиш ишларини кучайтиришга, ғўза баргини тўкадиган, дессикациялайдиган ва зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида ғўза қатор ораларини ишлайдиган яхши универсал машиналар ишлаб чиқаришга чақирамиз.

Пахтани даладан тайёрлаш пунктларига ва пахта тозалаш заводларига қоп-қанорсиз ташийдиган ва тежамли бўлмаган ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган қопда ташишга хотима берадиган асбоб-ускуналар комплексини яратиш устида қунт ва сабот билан ишламоқ керак.

Машинасозлар хўжалик ичидаги суғориш тармоқларини тозалашни механизациялаш учун ва пахта далаларида қўл билан бажарилаётган оғир ишларни тугатиш учун ўзи юрар машина яратишлари зарур.

Шу билан бирга, ғўзани механизация ёрдамида суғорадиган мавжуд установкаларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш соҳасида кўпроқ иш олиб бориш лозим.

Устига пахтачиликда ишлатиладиган асосий машиналар ўрнатиладиган, тупроқни экишдан олдин ишлайдиган, чигит экадиган, қатор ораларини ишлайдиган, ўғит соладиган ва пахта терадиган машиналар ўрнатиладиган ўзи юрар шасси барпо этиш ишини тезроқ тугаллаш керак.

Техникани тараққий эттиришнинг асосий йўлларидан бири ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим шарти машинасозлик корхоналарини ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришдир.

Республика энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчалари қурувчилари ҳамда монтажчилари олдида янги энергетика қувватларини тезроқ ишга тушириш, электр станциялари ва шохобчаларининг мустаҳкамлигини тағин ҳам ошириш, юқори вольтли электр шохобчалари қурилишида индустриал усулларни қунт билан жорий этиш, темир-бетон буюмлардан энг кўп фойдаланиш соҳасида катта вазифалар турибди.

Гидроэлектростанциялар ва электр шохобчаларини автоматлаштириш ва телемеханикалашни янада такомиллаштириш билан бирга қисқа вақт ичида иссиқлик билан ишлайдиган электр станцияларига автоматизация ва механизацияни жорий этиш вазифасини ҳал этиш зарур.

Иссиқлик билан ишлайдиган катта электр станцияларини қуриш ва ишга тушириш, корхоналарнинг қозон установкаларини ғаз билан ишлашга кўчириш республика энергетиклари зиммасига янги асбоб-ускуналарни ўзлаштиришда алоҳида масъулият юклайди.

Ёқилғи саноати ходимларининг вазифалари ниҳоятда муҳимдир. Республикага кўпроқ кўмир, нефть ва газ етказиб беришда кўмирчиларимиз, нефтчиларимиз ва газ корхоналари ходимлари зиммасига ғоят катта масъулият юклатилган.

Биз ёқилғи баланси структурасида кўмир ва ёқиладиган мазутнинг салмоғини кескин камайтиришимиз, газнинг салмоғини эса шунга мувофиқ оширишга эришишимиз лозим.

Оҳангарон ва Шаргун кўмирчилари кўмир чиқаришда комбайнларни ишлатишни билиб олиб кон устини очишда гидротранспортдан фойдаланишлари, кўмир чиқаришни комплекс механизациялашни тугаллашлари керак.

Оҳангарон конида юқори комплекс қатламларидан кўмирни жинслар орасидан ажратиб олиш учун роторли экскаваторлардан фойдаланиш лозим. Шундай қилинганда кўмир исрофгарлиги анча камаяди. Оҳангарон разрезида кўмирни стационар пневматик ва гидравлик бойитиш установкаларда саралаш йўли билан унинг сифатини яхшилаш керак. Карьер транспортида йўл ишларини комплекс механизациялашни амалга ошириш, сигнализация, централизация ва стационар темир йўл шохобчаларида блокировкани жорий этиш керак.

Биз нефть ва газ саноати ходимларини қурилиш, разведка ва нефть ҳамда газ конларида ёқилғи чиқариш суръатини тезлаштиришга, парма лаш ишларининг самарасини анча оширишга чақирамиз.

Бунинг учун нефть ва газ қудуқларини пармалашнинг ўртача тезлигини ошириш, штангасиз электро погрузка насосларини жорий этиш, ишлаб турган ҳамма қудуқларни масофадан контроль қилиш ва бир марказдан бошқаришни тўла таъминлаш, энг мукаммал конструкциядаги турбобурларни жорий этиш, чуқур ва геологик жиҳатдан мураккаб қудуқларни ковлашда электробурлардан, шунингдек қудуқларни ўзлаштириш ва ремонт қилиш учун ўзи юрар установкалардан фойдаланиш лозим.

Нефть қатламларига сунъий таъсир қилиш, айниқса оз нефть чиқадиган қатламларга сув бостириш усулини кенг қўлланиш зарур. Халқ хўжалигида газдан кимёвий хомашё ва ёқилғи сифатида фойдаланишни жуда кўпайтириш учун янги ғаз конлари топиш юзасидан геологияқидирув ва разведка ишларини кучайтириш зарур.

Техника тараққиётини таъминлашда ва меҳнат унумдорлигини оширишда химия саноати ходимлари, «Чирчиқхиммаш» заводи, янги химия корхоналари қурувчилари ва монтажчилари муҳим роль ўйнайдилар.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг химия саноатини ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш умумхалқ иши бўлмоғи керак.

Ўзбекистон кимёгарлари минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштиришлари ҳамда дона-дона суперфосфат, аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқариш, Қоратов фосфоритларини қайта ишлаш асосида мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ҳисобига ўғитлар хилини кўпайтиришлари, заҳарли дориворларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари, лак-краска ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари лозим.

Синтетик кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун табиий ғаздан ҳамда нефтни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган ғаздан комплекс фойдаланишни таъминлаш зарур.

Шунингдек хлор, хлор органик маҳсулотлар, химиявий заҳарли дориворлар ва сунъий смоланинг янги турларини ишлаб чиқариш учун республиканинг табиий туз ресурсларини тезроқ ўзлаштириш зарур.

Хомашёни тушириб олиш ва тайёр маҳсулотни ортиш соҳасидаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни тўла механизациялаш, шунингдек суперфосфат, олтингугурт кислотаси, азот ўғити ва гидролиз саноатидаги технология процессларининг асосий босқичларини автоматлаштириш керак.

Юқори сифатли лак ва бўёқлар хилини кўпайтириш, электр изоляцияси материаллари, машинасозлик, радиотехника ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун синтетик материаллар ишлаб чиқаришни ва уларнинг турларини кўпайтириш зарур.

Енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж, кўн пойафзал ва бошқа соҳалардаги ходимлар қўл кучи билан қилинадиган операцияларни кўпроқ механизациялаштириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, узлуксиз-поток методларини жорий қилиш, технологияни такомиллаштириш ва хомашёдан фойдаланишни яхшилаш устида қунт билан иш олиб боришлари керак. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Пахта тозалаш саноатини секинаста пахтани қоп-қанорсиз ташишга ўтишни таъминлайдиган ускуналар билан қуроллантириш ҳамда пахта, чигит ва тола ортиш-тушириш ишларининг ҳаммасини механизациялаштириш вақти аллақачоноқ келган.

Бекобод заводида автоматлаштириш юзасидан тўпланган иш тажрибаси ҳамда бу соҳадаги илмий тадқиқотлар яқин йиллар ичида республикадаги ҳамма пахта тозалаш заводлари ва қуритиш-тозалаш цехларини автоматлаштириш вазифасини ҳал қилиш имконини беради.

Пахта тозалаш саноати ходимларининг Ўзбекистонда пахтачиликни юксалтиришдан иборат умумхалқ ишига қўшган ҳиссалари биринчи навбатда шундан иборат бўлиши керак. Шунингдек, пресслаш циклини қисқартириш, янги тола тозалаш машиналарини ишга тушириш, ҳозирги вақтдаги 4-5 процент ўрнига 7-8 процент момиқ олишга эришиш, чигитни мутлақо ялангочлаш имконини берадиган янги технологияни жорий қилиш зарур. Чигитнинг мутлақо туксиз бўлиши чигитни ҳар бир уяга муайян миқдорда квадратуялаб экишни таъминлашда жуда муҳимдир.

Биз саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш ходимлари республика колхоз ва совхозларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш ишида, техникадан фойдаланиш коэффициентини ошириш ишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Чит ғазлама тўқиш саноатида бундан буён ҳам янги техникани, юқори унумли станокларни, ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни изчиллик билан жорий қилиб бориш керак.

Ипак саноати корхоналарида эски ва кам унумли станоклар ўрнига янги ипак тортиш автоматларини ўрнатиш ва шу билан бир вақтда хомашёдан яхшироқ фойдаланишни таъминлайдиган пиллани ивитиш ва толасини ажратиш соҳасидаги янги прогрессив технологияга ўтиш зарур.

Тикувчилик-трикотаж саноатида конвейерлаштириш даражасини 85 процентгача етказиш зарур. Бу кийим-кечак чокларини елимлаш методидан иборат янги технологияни жорий қилиш билан қўшиб олиб борилса меҳнат унумдорлигини анча ошириш ҳамда тикувчилик-трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Кўн заводлари ва пойафзал фабрикаларининг коллективлари ишлаб чиқариш потокларини янада конвейерлаштириш, пойафзални қолиб-га тортмасдан тайёрлашдек янги технологияни жорий қилиш, кўнчилик товарлари ва чарм ўрнини босадиган товарлар сифатини яхшилаш устида бундан буён ҳам қунт билан иш олиб боришлари керак. Яқин йиллар ичида болалар пойафзали ва кийим-кечаги ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан катта ишлар қилиш керак.

Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш базасида меҳнат унумдорлигини тезроқ ошириш учун озиқ-овқат саноатининг барча соҳаларида ҳам резервлар бор.

Ёғ саноати ходимлари ёғ ишлаб чиқаришнинг экстракцион методига ўтишлари, узлуксиз экстракцияни жорий қилишлари лозим. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширади ва меҳнат шароитини енгиллаштиради. Ёғ заводларида юк ортиш ва тушириш ишларини механизациялаштириш, ёғни идишларга қуйишни автоматлаштириш, узлуксиз поток усулини жорий қилиш ва ёғни қайта ишлашда ишлаб чиқариш процессини механизациялаш ишларини кучайтириш лозим.

Гўшт ва сут саноатида меҳнат унумдорлигини кескин даражада ошириш хомашёдан фойдаланишни яхшилашга, узлуксиз поток методини жорий қилишга, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштиришга ва завод ички транспорти операцияларини механизациялаштиришга боғлиқ.

Гўшт, сут корхоналарининг ходимлари гўшт маҳсулотлари, колбаса, мол ёғи, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш бўйича яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Консерва, виночилик ва саноатнинг бошқа соҳаларидаги ходимлар ҳам муҳим вазифаларни ҳал этишлари лозим. Узумни дастабки ишлашни механизациялаш ва узлуксиз поток усулига ўтказиш, винони иссиқлик ва совуқлик ёрдамида ишлашни жорий қилиш, виночилик чиқитларини диффузия усулида қайта ишлаш, мева ва сабзавот хомашёсини дастлабки ишлашни механизациялаш, консервани кичик банкаларда чиқаришни, болалар учун ва беморлар учун консерва ҳамда шарбатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифалардан биридир.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Қуйи Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари **Сотиболдиев**, район ижроия комитетининг раиси **Мерганов**, район ипакчилик бўлимининг мудири **Алимқулов**, район комсомол комитетининг секретари **Иномов** ўртоқлар).

Юқори Чирчиқ районидаги **«Ленинград»** колхози (раиси **Талаббоев**, партия ташкилотининг секретари **Айдаров** ўртоқлар).

Бекобод районидаги **Дзержинский** номли колхоз (раиси **Шукуралиев**, партия ташкилотининг секретари **Иброҳимов** ўртоқлар).

Республика инженер-техник ходимлари ва новаторлари биринчи съезди қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР саноати, транспорти, алоқаси ва қурилишларининг барча ходимларига Мурожаати

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Биз бинокорларга, бинокорлик материаллари саноати ходимларига, қурилиш индустриясининг барча ходимларига мурожаат қилиб, қурилиш ишлаб чиқаришини индустриалаштиришни янада ривожлантиришни таъминлашга чақирамиз. Йирик панеллар ва йирик блоклардан қурилишларда кенг фойдаланилсин. Олдиндан таранг қилиб тортилган арматурадан ҳамда бошқа яхши самара берадиган материаллардан ва конструкциялардан кенг фойдаланиб, бинолар ва иншоотлар оғирлигини камайтириш ва шу асосда қурилишда меҳнат унумдорлигини муттассил ўстиришга эришиш керак. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳар томонлама кўпайтирилсин, уларнинг сифати яхшилансин ва таннархи камайтирилсин. Қурилиш ишларини олиб бориш соҳасидаги энг прогрессив индустриал усуллар кенг жорий қилинсин. Типовой проектларда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш кенгайтирилсин. Янги ишлаб чиқариш иншоотларини тезроқ ишга туширишга ҳамда битмай қолган қурилишларни камайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Съезд қатнашчилари ҳисоблайдиларки, саноат ва қурилиш олдида турган катта вазифаларни бажариш учун автомобиль транспортининг техника даражасини янада юксалтириш, автомобиль паркидан фойдаланишни яхшилаш, юк автомобиллари иш унумини ошириш, автомобиль прицепларидан кенг кўламда фойдаланиш йўли билан марказлаштирилган юк ташишни янада кенгайтириш, автомобилларга техника ёрдами кўрсатиш ва ремонт қилиш учун базалар вужудга келтиришни жадаллаштириш зарур.

Юзаси қаттиқ материаллар билан қопланган автомобиль йўллари қурилишини ва уларни реконструкция қилишни кенгайтириш, саноат корхоналарига борадиган темир йўлларни янада ривожлантириш зарур. Кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни, биринчи навбатда юк ортиши ва юк тушириш ишларини, шунингдек йўлларни ремонт қилиш ва реконструкция қилиш ишларини энг кўп даражада механизациялаш, сув транспортида пристан хўжалигининг қолоқлигини тугатиш ҳамда сув йўлларидаги кема тўхтайдиган жойларни ва юк қайта ортиладиган базаларни механизациялаш керак.

Республика алоқа ходимлари янги техникани жорий қилиш, почта-телеграф, телефон ва радио релей алоқасини, радио эшиттириш, телевидение ва радиофикацияни янада ривожлантириш соҳасидаги катта вазифаларни ҳал қилишга даъват этилганлар.

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришнинг янги усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни контроль қилиш ва автоматлаштириш учун ядро нуридан ва чала ўтказгичлардан фойдаланишни жорий қилиш соҳасида илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари ва завод лабораторияларининг масъулияти катта.

Ўзбекистон олимлари республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиётини ривожлантириш соҳасидаги актуал проблемаларни ҳал этиш юзасидан илмий текшириш ишларини кенгайтиришлари лозим.

Биз фан арбобларига мурожаат қилиб республика ҳомашё ресурсларидан, айниқса табиий газдан халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида комплекс фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган ишларни кенг авж олдиришга чақирамиз. Саноат корхоналари билан алоқа мустаҳкамлансин, янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасида уларга конкрет ёрдам кўрсатилсин.

Қадрли ўртоқлар!

Техника тараққиётини ҳар томонлама ривожлантириш саноат, қурилиш, фан, конструкторлик бюроси, илмий-текшириш институтларидаги барча ходимларнинг энг муҳим вазифасидир.

Техника бир жойда туролмайди. Техника доимо олга ҳаракат қилиши керак. Янги техникани кенг жорий қилиш натижасидагина қисқа муддат ичида меҳнат унумдорлигини анча ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда КПСС XX съездининг мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги Директиваларини сўзсиз бажаришга эришиш мумкин.

Бевосита иш жойларининг ўзида илғор иш методларини кўрсатиш йўли билан илғор тажриба мактаблари ва техника кабинетлари орқали ишчи кадрлар малакасини ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида системали тарзда иш олиб бориш зарур. Новаторлар, ихтирочилар, рационализаторларга доимий ёрдам кўрсатиш, уларни рағбатлантириш ва илғор тажрибани кенг ёйиш керак.

Съезд инженер-техник ходимларни ўз техника малакаларини тимай оширишга чақиради. Олий ва ўрта техника ўқув юртларининг ҳамма программаларида автоматизация ва комплекс механизация масалаларини кенг ёритиш кўзда тутилиши зарур.

Биз саноат, транспорт ва қурилишдаги барча ходимларни, лойиҳалаш ва илмий ташкилотлардаги ходимларни давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун, техника тараққиётини таъминлаш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани яна ҳам кенг авж олдиришга чақирамиз.

Биз, инженер-техник ходимлар ва новаторларнинг биринчи республика съезди қатнашчилари Партия ва Ҳукуматни ишонтириб айтамизки, республиканинг саноати, транспорти, алоқаси ва қурилишларидаги барча ходимлар ўз олдиларида турган меҳнат унумдорлигини яна оширишдан иборат вазифани шараф билан бажарадилар, техника тараққиёти учун курашда янги муваффақиятларга эришадилар, ишлаб чиқаришни янада юксак даражага кўтарадилар.

Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съездига КПСС делегацияси жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съездига қуйидаги составдан иборат делегацияни таслиқлади: Ўртоқ А. И. Кириченко — КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси ва секретари (делегация раҳбари), Ўртоқ В. И. Устинов — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, Ўртоқ Н. Н. Родионов — КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари, Ўртоқ И. Т. Гришин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет Иттифоқининг Чехословакиядаги элчиси, Ўртоқ А. М. Румянцев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси.

Шу йил 17 июнда делегация аъзолари А. И. Кириченко, В. И. Устинов ва Н. Н. Родионов Ўртоқлар «ТУ-104» самолётида Москвадан Прагага жўнаб кетдилар.

И. Т. Гришин ва А. М. Румянцев Ўртоқлар делегацияга Прагада қўшиладилар.

* * *

Ўша куниёқ КПСС делегацияси Прагага келди.

Непал короли ва қироличасининг Ереванда бўлиши

ЕРЕВАН, 16 июнь. (ТАСС). Бу ерда меҳмон бўлиб турган король Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева ва қиролича Ратна Ражия Лакшми Деви Шоҳ бугун Арманистон пойтахти билан танишиб чиқишни давом эттирдилар.

Ҳурматли меҳмонлар эрта билан шаҳар бўйлаб саёҳат қилдилар, шаҳарнинг архитектура ансамбллари ва янги қурилишларини тамоша қилдилар. Шундан кейин улар Канакер тепалигидаги Ғалаба паркига чиқдилар. Бу ерда Ереван манзараси яққол кўзга ташланади.

Король ва қиролича ҳамда уларнинг ҳамроҳлари тоғ устидаги йўллан Севан каскадидаги гидроэлектростанциялардан бирига қараб йўл олдилар. Машиналар чўқур дарага тушадилар. Бу ерда тезоқар Раздан дарёси бор. Машиналар тоннелга кира беришда тўхтайдилар. Тоннель Арзни ГЭСининг машина залига олиб боради. Зал денгиз сатҳидан қарийб 1.600 метр баландликдаги қоя тош ичида жойлаштирилган. Меҳмонларга Севан каскади тўғрисида, ундаги электростанцияларнинг қуввати, Арзни ГЭСидаги машина-ускуналар ҳамда унинг қурилиши тўғрисида сўзлаб берадилар. Король Махендра машина залида гидротурбиналарни тамоша қилди.

Непаллик меҳмонлар ГЭСни тамоша қилганларидан кейин Эчмиадзин районидаги Ленин номли колхозга бордилар. Колхоз раиси — агроном Е. Маркарян меҳмонларни самимий табриклади. У, колхознинг тарихи, унинг хўжалиги ҳақида сўзлаб берди. Колхоз ўтган йилнинг бир ўзидагина 15 миллион сўм пул даромади олган. Колхоз бу йил жамъи 600 минг сўмлик 140 та ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарини нақд пулга сотиб олган.

Ўртоқ Маркарян ҳурматли меҳмонларни зиёфатга таклиф этади. Зиёфат вақтида дўстона қадаҳлар кўтарилади.

Король ва қиролича ҳамда уларнинг ҳамроҳлари зиёфатдан кейин Эчмиадзин кафедрал соборига бордилар. Король ва қиролича барча арманларнинг олий патриархи — католикоси Вазген I ҳузурига визит билан бордилар. Шундан кейин улар соборни ва унда сақланаётган ғоят нодир қадимий черков ёдгорликларини тамоша қилдилар.

Меҳмонлар Ереванга қайтишда В. И. Ленин номидаги пиллакашлик комбинатида бўлдилар. Ассортимент кабинетида король ва қироличага шойи газлама нусхалари тақдим этилди.

Кечқурун Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. М. Арушанян Непал короли ва қироличаси шарафига зиёфат берди.

СОЦИАЛИСТИК МАДАНИЯТНИ ЯНАДА ЯШНАТИШ УЧУН

Тошкент ижодий ходимларининг йиғилиши

Тошкентда Ўзбекистон пойтахти ижодий ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Композиторлар ва музикачилар, ёзувчи ва рассомлар, артистлар, режиссёрлар, танқидчилар КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ дўстлик», «Богдан Хмельницкий» ва «Чин юрақдан» операларига берилган баҳолардаги хатоларни тузатиш тўғрисидаги қарорини ҳамда Тошкент ижодий коллективларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Йиғилишда республика Маданият министри **С. А. Азимов** доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг қарорини қизғин маъқуллладилар, бу қарорда Коммунистик партиянинг совет музика санъати тўғрисида, социалистик маданиятни янада ривожлантириш тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлиги ёрқин ифодасини топганлигини таъкидладилар.

Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети, дейдилар сўзга чиқувчилар, халқ талантларини ғамхўрлик билан қўллаб-қувватламоқдалар, ижодий ташкилотларнинг ходимларини халққа чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида, коммунизм руҳида тарбиялаб келмоқдалар. Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ қаёти билан маҳкам боғланиши учун» сарлавҳали мақоласи ҳозирги куннинг муҳим ҳужжатларидан биридир. Бу мақола илғор социалистик санъат ва адабиёт учун кураш программасидир. Бир қанча опера спектакллари юзасидан партиянинг маълум қарорлари ғоят катта ижобий роль ўйнади. Гарчи бу ҳужжатларда айрим хатоларга йўл қўйилган бўлсада (эндиликда бу хатолар тузатилди), бу ҳужжатлар совет музика санъатини ривожлантиришдаги асосий йўналишни тўғри белгилаб берди, музикадаги формалистик майилларни, яъни санъатни халқдан четга тортувчи ва уни тор доирадаги кишиларнинг мулкига айлантирувчи формалистик майилларни ҳаққоний равишда қоралади. КПСС Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат масалалари юзасидан 1946—1948 йилларда қабул қилган қарорлари кадрларимизни ғоявий жиҳатдан қуроллантирди, янги тарихий шароитда идеология соҳасида олиб бориладиган ишларнинг асосий вазифаларини белгилаб берди, социалистик реализм санъатининг бутун тараққиётига самарали таъсир ўтказди. Бадиий ижодкорликнинг партиявийлиги ва халқчиллигидан иборат ленинча принциплар бу ҳужжатларнинг негизини ташкил этади. Партиянинг музика масалалари юзасидан чиқарган янги қарори санъат ва адабиёт арбобларига ўз ижодиётларини меҳнаткаш халқ қаёти билан маҳкам боғлаш, ҳозирги замонни бадиий акс эттиришнинг янги формалари ва воситаларини қидиришда дадил бўлиш, коммунистик жамият қурувчиларининг буюк зафарларини янада ёрқин ва илҳом билан куйлаш зарурлигини яна бир марта эслатади.

Йиғилиш қатнашчилари партиянинг идеологик масалалар юзасидан чиқарган қарорлари ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлари ҳолда, шу қарорлар асосида республикада санъат ва адабиётнинг аҳволини ҳар томонлама анализ қилдилар. Бунда Ўзбекистон санъати ва адабиётининг Москвада бўладиган декадасига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Республиканинг ёзувчилари, деб таъкидладилар докладчи ва музокарада сўзлаган ўртоқлар, декадага тайёргарлик кўришда маълум ижобий натижаларга эришдилар. Адабиётнинг ҳамма жанрларида бир қанча муҳим асарлар пайдо бўлди. Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» номли, Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» номли, Ойбекнинг «Покистон қиссаси» номли, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қиссаси» номли янги асарлари, шоирлардан Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Шукрулла, Ўйғун, Зулфия, Ивановнинг асарлари, Яшиннинг драма асарлари ва бошқа китоблар ана шулар жўмласидандир. Кейинги йилларда истеъдодли ёш ёзувчиларнинг катта отряди ўзбек совет адабиётига қўшилди.

Театр коллективларининг фаолиятида маълум муваффақиятлар бор. Бундан етти йил муқаддам ўзбек халқи санъати Москвада бўлиб ўтган декадага айрим концерт коллективларини ва ижрочиларни юборган бўлса, эндиликда Навоий номидаги опера ва балет театри, Ҳамза номидаги театр, Горький номидаги рус драма театри, Муқимий номидаги музикали драма театри, филармония ва эстрада коллективлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўзларининг ўсган маҳоратларини москваликларга кўрсатадилар. Театр коллективларига ва концерт ташкилотларига кўпгина ёшлар қўшилди, улар бу коллективларнинг ишини жонлантириб юбордилар, уларнинг ижодий фаолиятини сезиларли даражада яхшиладилар.

Ҳамза номидаги театр артистлари Москвада уч марта ўз маҳоратларини кўрсатиб, москваликларнинг мақтовига сазовор бўлдилар. Кейинги вақтларда театр ўзининг энг яхши постановкаларидан бири бўлган «Ганг дарёсининг қизи» спектаклини кўрсатди. Совет ва чет эл матбуоти бу спектаклга юксак баҳо берди. «Жазоир менинг ватаним» номли спектакль ҳам тамошабинларга манзур бўлди. Бу постановкаларнинг иккаласи ҳам тинчлик учун, тинчликсевар халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш учун курош ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Навоий номидаги опера ва балет театри ўз фаолиятини бир мунча активлаштирди, тамошабинларга янги спектакллар кўрсатди. Горький номидаги рус драма театрининг, Муқимий номидаги театрнинг ишида, концерт ташкилотларининг фаолиятида ҳам маълум муваффақиятлар бор.

Ўзбек музика санъати анча муваффақиятларга эришди. Республика композиторлари совет музика маданиятини бойитган анчагина яхши асарлар яратдилар. Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Гулсара», М. Ашрафийнинг «Дилором», А. Козловскийнинг «Улуғбек» опералари ҳаммага манзур бўлди. Миллий балетнинг туғилиши Ўзбекистон санъатида қувончли бир ҳол бўлди. Республика композиторлари бошқа жанрларда ҳам самарали ишладилар. Бир қанча музикали драмалар, кантаталар, симфоник асарлар, халқ чалғу асбоблари оркестри учун пьесалар, кинофильмлар учун музика яратилди.

Тасвирий санъатни, шунингдек декоратив-амалий санъатни ривожлантириш йўлида кўпгина ишлар қилинди. Декада планига киритилган 250 тасвирий санъат, графика, скульптура асарлари асосан битказилди. Ўзбекистон кино ходимларининг фаолияти жонлантирилди. Кейинги вақтлардагина улар тўла метражли еттита фильм яратдилар. Булар орасида «Абу Али Ибн Сино», «Ленин йўлланмаси билан», «Бизнинг Ўзбекистонимизга келинг» ва бошқа фильмлар бор.

Бироқ, йиғилишда кўрсатиб ўтилдики, республиканинг санъат ва адабиёт ходимлари ўз олдиларида турган масъулиятли вазифаларни бажариш учун ҳамма ишларни қилдилар, деб бўлмайди. Санъат ва адабиётда республика меҳнаткашларининг бой маънавий ҳаёти ҳали ҳам суст акс эттирилмоқда, ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, зиёлиларнинг ҳаёти ва фаолияти баъзан бир томонлама ва юзаки кўрсатилмоқда. Декадага тайёргарлик билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммаси тўла ҳал этилгани йўқ. Кўпгина ижодий коллективлар декадага тайёргарлик кўриш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини амалга оширишда тамомила асоссиз равишда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари ўз сўзларида КПСС Марказий Комитетининг қарори совет социалистик маданиятини янада ривожлантириш учун, республика санъати ва маданиятини янада юксалтириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини якдиллик билан таъкидладилар. Нотиқлар ижодий коллективларнинг ишидаги камчиликларни танқид қилдилар, бу камчиликларни тезлик билан тузатишга қаратилган конкрет таклифларни киритдилар.

— КПСС Марказий Комитетининг музика санъати соҳасидаги қарори бизга янги ижодий куч бағишлайди, — деди йиғилишда СССР халқ артисти композитор **Мухтор Ашрафий.** — Бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир сатри совет композиторларини чуқур қаяжонлантирган масалаларга жавоб беради. Партия санъат асарларига баҳо беришда кейинги йиллар давомида мавжуд бўлиб келган ва бадиий танқид олдига партия томонидан қўйилган тарбиявий вазифаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган субъективизмни қатъий равишда қоралади. Буларнинг ҳаммаси бизларни қувонтирмоқда, янги ижодий муваффақиятларга эришишга илҳомлантирмоқда.

Республика композиторлари ва музикачиларининг фаолиятида, деди Ўртоқ Ашрафий, анча камчиликлар бор. Кейинги вақтларда музика коллективларининг репертуари бадиий жиҳатдан юксак бўлган янги симфоник асарлар билан етарли тўлдирилаётгани йўқ, бу эса, декадага актив тайёргарлик кўраётган оркестрларнинг концерт программаларининг мазмунини торайтиради.

— Совет музикачилари, деди Ўзбекистон Филармониясининг директори композитор **Д. Соатқулов,** ўз ижодиётларига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партиядан миннатдордирлар. Партия бизга музика ижодиётини объектив суратда анализ қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқда.

Филармония ходимлари КПСС Марказий Комитетининг қарорини жанговар иш программаси деб қутиб олдилар. Кейинги вақтларда бир қанча янги ижодий коллективлар — хор капелласи, Ҳорезм ашула ва рақс ансамбли, ёшлар «Баҳор» рақс ансамбли тузилди. Ҳозирги вақтда уларнинг ҳаммаси декадага актив тайёргарлик кўрмоқдалар, ўз репертуарларини ҳар хил жанрдаги янги асарлар билан бойитмоқдалар.

Д. Соатқулов айтдики, Ўзбекистон композиторлари ва шоирлари тамошабинлар олдида ҳали ҳам қарздор бўлиб қолмоқдалар. Тамошабинлар улардан бадиий жиҳатдан юксак савиядаги ашулаларни, романсларни ва бошқа асарларни кутмоқдалар.

Республика композиторлари, деди Ўзбекистон Композиторлари союзи правлениесининг раиси **Мутал Бурҳонов,** КПСС Марказий Комитетининг қароридан ўзлари учун тегишли хулоса чиқарадилар. Нотиқ ижодий союзнинг яқин ўртадаги вазифаларига тўхталиб, музика санъати ходимларининг профессионал савиясини ошириш муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Кўпгина композиторлар, деди у, классик меросни чуқур ўрганишлари, халқ ижодига кўпроқ мурожаат қилишлари лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари **Баҳром Раҳмонов** сўзга чиқиб, партиянинг янги қарори композиторлар ва музикачиларгагина тааллуқли бўлиб қолмай, шу билан бирга, совет маданиятининг ҳамма арбобларига, шу жумладан, адабиётчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир, деди. Ижодий ходимлар жонажон Коммунистик партия теварагига янада маҳкам жипслашдилар, Ватаннинг бахт-саодати йўлида, халқнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам тинмай ижод қиладилар.

Ўзбекистон ёзувчилари Москвада ўтказиладиган санъат ва адабиёт декадасига, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясига актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Бизнинг адабиётимиз тобора юксалмоқда. Ҳамма жанрларда янги асарлар яратилди. Прозанинг равнақ топганлигини таъкидлаб ўтиш айниқса қувончлидир. Адабиётчилар йигирмага яқин роман ва повестлар ёздилар. Шоирлар ва прозачилар кейинги вақтларда 110 дан ортиқ янги асарлар яратдилар.

Адабиётчиларнинг энг зарур вазифаси, деди Ўртоқ Раҳмонов, халқ билан ўз алоқаларини янада мустаҳкамлашдан, профессионал маҳоратларини оширишдан ҳамда шу асосда бадиий асарлар сифатининг янада яхшиланишини таъминлашдан иборатдир. Адабий танқид савияси анча оширилиши лозим. Ёзувчиларнинг китобхонлар билан учрашувларини кенг қўлланиш зарур. Асарларнинг асосий танқидчиси халқ бўлсин.

Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театри бош режиссёри **Т. Ҳўжаевнинг** нутқи қизиқиб тингланди.

— Мен, деди у, буржуа идеологиясининг таъсири остида чириб бораётган чет эл санъатини кўрдим. Бизнинг совет санъатимиз, халқ билан маҳкам боғланган ва халқ манфаатларига бўйсундирилган, марксистик дунёқараш руҳи билан суғорилган санъатимиз жаҳонда энг илғор санъатдир. Бизни тушкун буржуа санъатининг ҳалокатли таъсиридан, ёт ва абстракт нарсаларнинг ҳаммасидан ҳимоя қилаётганлиги учун биз Коммунистик партиядан чексиз миннатдормиз.

Пировардида, Ўртоқ Ҳўжаев ижодий ташкилотларнинг фаолиятини янада яхшилашга қаратилган бир қанча тилаклар билдирди. Жумладан, у, театрларга ва концерт ташкилотларига раҳбарликни мустаҳкамлаш, ижодий коллективларнинг ишида маъмуриятчилик унсурларига қарши кураш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

— Республика рассомлари, графикачилари, скульпторлари ва амалий санъат усталари коллективи кейинги йилларда анча ўсди, деди Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари **А. Абдуллаев.** — Биз бўладиган декадага икки юздан ортиқ асар тайёрладик ва ҳозирги вақтда рассомлар янги асарлар яратишни давом эттирмоқдалар.

Рассомлар ўртасида, деди Ўртоқ Абдуллаев, шундай кишилар ҳали ҳам учрайдики, улар ўз ижодиётларининг юксак вазифасини унутиб қўймоқдалар, ижодий меҳнат қилиш халқ олдидаги ўз бурчи эканлигини эсларидан чиқармоқдалар. Бундай кишиларни ўртоқларча танқид қилиб, уларга ёрдам бериш керак.

Совет халқи музика санъатимизнинг муваффақиятлари билан ҳаққоний равишда фахрланмоқда, деди СССР Халқ артисти **Ҳалима Носирова.** Шубҳа йўқки, партиянинг санъат масалаларига доир янги қарори музиканигина эмас, балки бутун совет маданиятини янада ривожлантириш соҳасида ғоят катта роль ўйнайди.

Ўртоқ Носирова Навоий номидаги опера ва балет театри коллективи декадага қандай тайёрланаётганлиги ҳақида гапирди. У айтдики, ҳеч бир ижодий коллектив галантли ёшларни дадиллик билан кўтармай туриб, муваффақиятга эришолмайди. Бу соҳада Тошкентда ҳам маълум иш олиб борилмоқда. Лекин шаҳардаги барча ижодий коллективларда ҳам ёшлар билан иш олиб боришга лозим даражада эътибор берилаётир, деб бўлмайди.

Горький номидаги театр директори **В. Козлов** КПСС Марказий Комитетининг қарори барча ижодий ходимларни бадиий жиҳатдан юксак савияда бўлган, коммунистик жамият қурувчи совет кишиларининг ўсиб бораётган талабларига тамомила мос бўлган янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда, деб таъкиллади.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ҳўжаев** қатнашди. У, шаҳар ижодий коллективларининг энг муҳим вазифалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **З. Р. Раҳимбобоева** сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг композиторларни халқ қаёти билан алоқани мустаҳкамлашга даъват этган қарорини қизғин маъқуллладилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига мактуб қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети май пленуми қарорлари ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми қарорлари муносабати билан республика комсомол ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов докладида ҳамда Тошкент, Андижон, Бухоро Ҳораз область комсомол комитетлари секретарлари У. Абдураззоқов, Х. Азимов, Х. Мўминов, Д. Абдуллаев ўртоқларнинг сўзларида, Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз комсомол комитети секретари Д. Мирзаев ҳамда бошқа комсомол ходимлари ва активларининг сўзларида КПСС Марказий Комитети май пленумининг қарорини республика шаҳар ва қишлоқларидаги комсомол ташкилотлари қизғин маъқуллаб кутиб олганликлари айтилди. Бу қарорда ёшлар социалистик Ватаннинг иқтисодий қудратини янада кучайтириш тўғрисида, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида Коммунистик партиянинг тинмай ғамхўрлик қилаётганини яққол кўриб турибдилар.

Комсомоллар республика химия саноати корхоналари қурилишига амалий равишда оталик қилмоқдалар. Жарқоқ-Бухоро-Тошкент газопроводи, Фарғонадаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи ва бошқа объектлар қурилишида комсомол ёшлар бригадалари меҳнатда ўрнак кўрсатмоқдалар. Бу йил комсомол йўлланмалари бўйича Ўзбекистон химия саноати учун янги қурилишларга йигирма қизлардан 3.500 киши юборилади. Бухорода, Фарғонада, Тошкент ва Наманганда сунъий жун ва кўн-тери, синтетик ипак ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган катта корхоналар қурила бошлаши билан бу янги қурилишларга ёш шаввозларнинг янги отрядлари келади.

Бироқ пленумда қайд қилиб ўтилганидек, газопровод ва химия саноати корхоналари қурилиши устидан оталик қилиш соҳасида комсомол комитетларининг ишида катта камчиликлар бор. Бухоро ва Тошкент область комсомол комитетлари бир қанча район комсомол комитетлари ёш бинокорларни жойлаштириш ҳамда улар орасида оммавий-сиёсий ишни яхшилаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаётирлар. Баъзан комсомол йўлланмалари бўйича қурилишларга бу юксак ишончга муносиб бўлмаган кишилар юборилмоқда.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун курашда республика комсомол ташкилотининг иштирок қилиши масаласига пленумда кўп эътибор берилди. Қўклам экин компаниясига тайёргарлик даврида ёшларнинг кучлари билан далаларга 6 миллион тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит ташиб берилган. Қисқа вақт ичида республиканинг қишлоқ ёшлари фойдаланилмаётган 14 минг гектар ерни ўзлаштирдилар. Комсомол ташкилотлари томонидан ёшлардан 13.290 пахтачилик бригадалари ва звенолари тузилган. 500 дан кўпроқ трактор-далачилик бригадалари ва қарийб 600 звено Валентин Тюпко усулида ишламоқдалар.

Андижон область Избоскан район ёшлари юқори ҳосил учун курашда катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда тузилган 17 та комсомол ёшлар бригадалари ва 100 дан ортиқ звено ҳар бир бригаданинг камида 40 центнердан ва ҳар бир звенонинг камида 60 центнердан пахта олиши учун мусобақани қизитиб юбордилар. Бу йил Избоскан ёшлари 50 гектар янги ерларни ўзлаштириб қишлоқ хўжалигида фойдаланишга топширди.

Шу билан бирга пленумда бир қанча область ва район комсомол комитетлари ҳали юқори ҳосил учун курашда қишлоқ ёшларининг илғор тажрибасини кенг жорий қил маганликлари кўрсатиб ўтилди.

Техниканинг МТСлардан колхозларга топширилиши муносабати билан республиканинг қишлоқ районларида қишлоқ хўжалик техникасини ўрганиш учун 700 дан кўпроқ тўғарак тузилган бўлиб, бу тўгаракларда йигит ва қизлардан 14 минг киши ўқиган эди. Бироқ бу тўгаракларга раҳбарлик қилишда расмиятчиликка йўл қўйилган, бунинг натижасида шу тўгараклардан кўплари ўз ишини тўхтатиб қўйдилар.

Пленум республика комсомолининг химия саноати корхоналари устидан оталигини кучайтириш, Ўзбекистон пахтакорлари томонидан қабул қилинган мажбуриятни — бу йил камида 3 миллион тонна пахта етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини бажариш учун курашда ёшларнинг ролини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар планини ишлаб чиқди.

Шунингдек, пленум Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари В. Ф. Антоновнинг СССР халқлари иккинчи спартакиадасини тайёрлаш ва ўтказишда республика комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини эшитди ва муҳокама қилди ҳамда тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Муомала харажатларини камайтириш ҳақида китоб

Савдо соҳасида жуда кўп маблағларни тежаш ва харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш муомала харажатларини камайтириш билан узвий боғлангандир.

Ўрта Осиё Давлат университети сиёсий иқтисод кафедраси старший ўқитувчиси М. Расулевнинг «Ўзбекистон матлубот кооперациясида муомала харажатлари» деган илмий асари ана шу муҳим масалага бағишланган. Бу асар яқинда китоб бўлиб босилиб чиқди[1].

Автор Ўзбекбирлашув правлениесининг ҳисобот материаллари ва савдо ташкилотлари ишларини қунт билан текшириш асосида муомала харажатларини ҳар томонлама анализ қилган ва унинг хусусиятлари, камайтириш резервлари ва имкониятларини аниқлашга эришган.

Китобнинг биринчи ва иккинчи бобларида бир қатор назарий масалалар билан бирга муомала харажатларининг структураси ва динамикаси баён қилинади. Авторнинг кўрсатишича Ўзбекистон матлубот кооперацияси товар оборотининг ҳажми жиҳатидан Иттифоқимизда тўртинчи ўринда туради ва республика товар оборотининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Бу системада 40 мингдан ортиқ киши ишлайди. Кооперация республикамизда пахтачиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Автор матлубот кооперациясининг муомала харажатларини текшириш учун 1948-56 йил маълумотларидан фойдаланади ва бу харажатларни ҳар бир элементи бўйича анализ қилади.

Автор муомала харажатларининг ҳар бир элементини алоҳида-алоҳида анализ қилар экан, тежалган маблағларнинг, савдо ташкилоти рентабеллигининг ошишини кўрсатиб ўтади, кўпчи республикалардаги ҳудди шундай кўрсатгичлар билан таққослайди ва вужудга келган айрим ўзгаришларни атрофлича тушунтиради.

Китобнинг 3- боби Ўзбекистон матлубот кооперацияси савдосидаги муомала харажатларини камайтириш йўлларига бағишланган.

— Ўзбекистон матлубот кооперациясини ташкилотларида, — деб кўрсатади автор, — товарларнинг рекламаси, информациясига етарли эътибор берилмайди. Савдо шохобчаларини территориал жойлаштиришда ҳали катта камчиликлар бор. Товарларни силжитишни планлаштириш қаноатланарли йўлга қўйилмаган, юк ташишда транзит усулини қўллаш суст амалга оширилмоқда.

Савдода меҳнат унумдорлигини ошириш учун моддий техника базасини яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин ҳозир магазинлар, складлар учун бино қуришда ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда. Универмаг ва магазинларда циферблатли тарозилар ва холодильниклар етишмайди, юк ортиш ва тушириш, ҳисоб-китоб ишлари етарли механизациялаштирилмаган.

Ўзбекистон маҳаллий ва кооператив саноати корхоналари савдо ташкилотлари талабларини етарли даражада қондирмаётирлар. Бунинг натижасида республика базаси кўп миқдордаги товарларни, чунончи 100 миллион сўмга яқин тўғнагич, тугмалар ва галантерия товарларини Москва, Ленинград, Рига шаҳарларидан олиб келишга мажбур бўлмоқда. Бу эса муомала харажатларини ошириб юбормоқда.

Китоб айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Китобнинг назарий масалаларга бағишланган қисми жуда қисқа бўлиб қолган. Автор матбуот жамиятлари қошидаги умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек ёрдамчи хўжаликлар харажатларини алоҳида анализ қилмаган. 16- бетда ҳозир кооперация патент йиғими тўлайди деб кўрсатилади, ҳолбуки кооперация бу йиғимдан озод қилинган.

Лекин бу камчиликлар китобнинг қийматини пасайтира олмайди, китоб Ўзбекистон матлубот кооперацияси экономикаси масалаларига бағишланган дастлабки яхши асар бўлиб, савдо ташкилотларининг ишини янада яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз. Шу билан бирга китоб иқтисодий билимларни ўрганувчилар ва савдо ходимларига

Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик!

☆ ☆ ☆

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Бу ерда барча майдондаги ғўзалар сифатли парвариш қилинмоқда. Колхознинг 5-бригадасида эса ҳозирга қадар ғўза уч марта узунасига ва кўндалангига культивациядан чиқарилди. **Суратда:** колхоз раиси **Ю. Хўжабеков** ва қишлоқ Советининг раиси **Я. Назаров**лар шоналаш арафасида турган ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

Б. Сиддиқов фотоси.

☆ ☆ ☆

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ғўзани озиқлантиришга эътиборни кучайтириш керак

Янгийўллик пахтакорларнинг областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата ёзган Мурожаатида «Ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш ва ҳосил элементларининг кўпайишида озиқлантириш катта роль ўйнайди. Биринчи озиқлантириш бизда асосан тугалланди. Ҳозир ғўзани иккинчи марта озиқлантириш иши қизитиб юборилган. Бу ишни ҳам 20 июндан кечикмасдан тўла тугаллаймиз», дейилган.

Областимиз илғор районларида янгийўлликлар бошлаган ана шу ташаббусдан илҳомланган ҳолда ғўза парваришида энг муҳим ўрин тутган озиқлантириш сохасига катта эътибор берилмоқда. Оржоникидзе области колхозларида озиқлантириш 159 процент, Бўка районида 148, Чиноз районида 122 процент бажарилди.

Бироқ областимизнинг бир қатор районларида мўл ҳосил гарови бўлган бу соҳага етарли эътибор берилмаётир. Техникадан яхши фойдаланилмаётганлиги сабабли озиқлантириш кечикаётир. Октябрь, Калинин, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ районларида шу кунгача ғўзани биринчи озиқлантириш иши тугалланмаганлигини қандай баҳолаш керак!

Октябрь районида биринчи озуқа берилмаган 500 гектардан ортиқ ердаги ғўза эркин ривожланмай, нимжон бўлиб ўсмоқда. Юқори Чирчиқ районида эса биринчи озиқлантириш эндигина 91, Бўстонлиқ районида 92,1, Калинин районида 89 процент бажарилган. Ваҳоланки биринчи озуқа берилмаган майдонлардаги ғўзалар 10-15 кунлаб ўсишдан қолмоқда.

Эл ерни тўйдиради, ер элни дейдилар, озиқлантиришни кечиктираётган колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари буни ҳеч қачон эсдан чиқармасликлари керак.

Мўл ҳосилга шу кунларда пухта замин яратайлик

(Газетхонлар хатига обзор)

Пахта далаларида иш қизиб кетди. Азамат колхозчилар, моҳир механизаторлар, совхозларнинг меҳнатсевар ишчилари: Бу йил об-ҳаво бирмунча ноқулай келиб чигит экиш соҳасидаги ишларимиз бирмунча кейинга сурилиб кетди, шундай бўлгач, ҳозирги кунларда ишга зўр бериб, ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирмасак, шу ой ичида ғўзанинг ҳар икки цикл парваришини тўла тугаллашга эришмасак, кузда план тўлмай юзимиз шивит бўлиб қолиши мумкин, деб астойдил меҳнат қилаётирлар.

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз райондаги энг йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Шу колхоздан хат ёзиб юборган газетхон ўртоқ М. Юсупалиев: «Колхознинг кўпчилик бригадаларида ғўзанинг иккинчи цикл парвариши тугалланай деб қолди. Колхоз аъзолари ишга зўр бериб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар», деб ёзади К. Собиров, Ф. Шахромов ўртоқлар ҳам райондаги Ленин номли ва бошқа колхозларда ёзиб юборган хабарларида колхоз аъзоларининг мўл ҳосил етиштириш юзасидан қилаётган ишлари тўғрисида яхши фактлар келтирганлар.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли «Ёш ленинчи», «Коммунизм», «Ленинград» колхозларининг аъзолари пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгаши белгилаган тадбирларга амал қилиб, ҳар гектар ердан 30-35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашаётирлар. Бу колхозларнинг илғор бригадаларида культивация, озиқлантириш,суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Газетхонлардан Б. Бекбобаев, Ч. Илёсов, А. Кучаров, Ж. Ҳасанов, Т. Хайдаров, Қ. Кенжаев ўртоқларнинг хатлари ана шу хўжалик аъзоларининг ишига бағишланган.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозидан Н. Ойдинов, «XIX партсъезд» колхозидан Р. Қодирқулов, «ЎзССР 30 йиллиги» колхозидан С. Алиев, Р. Раҳимов, шу райондаги Оржоникидзе номли колхоздан Т. Камолов ўртоқлар ёзиб юборган хатларни ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Бу ўртоқларнинг ёзишларича илғор колхозларда ўзаро социалистик мусобақа ҳар тарафлама кучайтириб юборилган, меҳнат тўғри ташкил этилган.

Мирзачўллик А. Юсупов, В. Юсупов ўртоқлар ёзишади: «Октябрь» колхозининг ўртоқ Жаббор Агалиев бошлиқ 10-бригада аъзолари бу йил 90 гектар майдонга квадратуялаб чигит экдилар. Техника колхоз ихтиёрига ўтганлиги муносабати билан бу йил ғўза парвариши ҳар қачонгидан ҳам намунали ўтказилмоқда.

Шу кунларда колхозда ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор берилмоқда. Моҳир сувчилардан М. Байрамов, А. Сафаров, Н. Султонов ўртоқлар ғўзани кечасию-кундузи қондириб суғормоқдалар.

Газетхонлардан О. Отажонов, Ш. Маъруфбоев, Қ. Минаваров ўртоқлар райондаги Фрунзе номли, «Коммуна» колхозларида ҳам ғўзани суғориш ишларига алоҳида аҳамият бераётганлиги ҳақида ёзганлар.

Гулистон районидаги Ленин номли, Фрунзе номли, Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли, Киров номли, Оққўрғон районидаги Тельман номли, Ворошилов номли, Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь», Куйбишев номли ва «Социализм» совхозларида, Октябрь районидаги Ленин номли колхозда ва «Пискент» совхозининг илғор бўлимларида ҳам ғўза парвариши соҳасидаги ишлар бирмунча дуруст йўлга қўйилган. Бу ҳақда газетхонлардан Ж. Холқосимов, Т. Қўшмаматов, Э. Юсупов, З. Тожиев, Д. Қўшоқов, К. Қосимов, А. Нуров, М. Ойдинов, Р. Ниёзов, Қ. Ортиқов, А. Пирматов, Э. Шукуров, Д. Содиқов ўртоқлар хабар ёзиб юборганлар.

☆

Пахтакорлар миннатдорчилиги

МИРЗАЧЎЛ. (**Телефон орқали олинди**). Сталин номли колхоз аъзолари 920 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ана шу аҳдларининг уддасидан чиқиш мақсадида ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, техника, от-улов ва ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва суғориш шохобчаларини кенгайтиришни янада жадаллаштириш тўғрисидаги қарори бу колхоз аъзоларини ҳам янгидан-янги муваффақиятларга илҳомлантириб юборди. Пахтакорлар партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигидан чексиз миннатдор бўлиб, қарорни қизғин маъқулламоқдалар.

Ўтган йили колхоз бўйича 50 гектар янги ер ўзлаштирилиб, бу йил пахта майдонига айлантирилди. Ҳозир илгари бўз ер ҳисобланган бу майдонларда сифатли парвариш қилинаётган ғўзалар жуда яхши ривожланмоқда. Колхоз правлениеси йил охиригача яна 60 гектар янги ер ўзлаштириш ва уни экин майдонига айлантириш тадбирларини белгилаган. Колхозчилар бу тадбирни тўла амалга ошириш билан Мирзачўлни бутунлай ўзлаштиришдек умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшган бўладилар.

———

Бир хил шароитда икки хил аҳвол

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Рўзимат Эрматов бошлиқ бригадасида ғўза парвариши юқори агротехника мудлатларида сифатли ўтказилмоқда. Шу кунгача узунасига ва кўндалангига икки марта культивация қилинган, вақтида озиқлантирилиб, қондириб суғорилаётган ғўзалар яхши ривожланиб, ёппасига шоналай бошлаб.

Афсуски, шу бригада билан қўшни, ери-ерига туташ, бир ариқдан сув ичадиган ўртоқ С. Рихсиев бошлиқ бригадада аҳвол бутунлай бошқача. Ғўза парвариши соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу бригадада 15 гектар ерлаги ғўза ҳалигача ягана қилинмаган, чопиқ ўтказилмаган, шунинг натижасида бу пайкалларни бегона ўт босган. Бригада бошлиғи С. Рихсиев, табелчи Х. Махаматова ўртоқларнинг кўпича иш бошида бўлмасликлари сабабли бригада аъзолари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган.

Ўртоқ С. Рихсиев қўшни Р. Эрматов бригадасидан ўрнак олиши, барча куч ва техникани ғўза парваришига сафарбар этиб, қўшни бригадага теғлашиб олиш тадбирларини кўриши керак.

А. БОБОҚУЛОВ,
Оржоникидзе области.

Чет элларда

Венгрияда маориф ишларининг ривожланиши

БУДАПЕШТ, 17 июнь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикасининг давлат мажлиси бундан 10 йил муқаддам, 1948 йил 16 июнда қонун қабул қилган эди. Бу қонунга мувофиқ, мактаб иши давлат ихтиёрига топширилиб, черков мактабдан ажратилган эди. Шу қонунга мувофиқ, халқ маорифи ишлари тубдан қайта қурилди ва етти йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Ўша вақтдан буён маориф ишлари соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. 1938 йилда мамлакатдаги саккизинчи синфларда 34 мингга яқин бола ўқиган бўлса, 1958 йилда уларнинг сони қарийб уч баравар кўпайди. 1937-1938 йилида қарийб 52 минг ўқувчи ўрта маълумот олиш имкониятига эга бўлса, бу йил ўрта мактабларда 126 мингдан кўпроқ йигит ва қиз ўқимоқда.

Меҳнаткашларнинг болаларига олий таълим олиш учун кенг имконият очиб берилди. Бу йил мамлакатдаги институтлар ва университетларда 1938 йилдагидан уч баравар кўпроқ студент ўқимоқда.

Ўн йил ичида ўқувчиларнинг синфий состави тамомила ўзгарди. 1948 йилгача ўрта мактабларда ўқувчи ишчи болалари барча ўқувчиларнинг 3,4 процентини, деҳқонларнинг болалари эса 0,6 процентини ташкил этган эди, бу йил ишчи ва деҳқонларнинг болалари барча ўқувчиларнинг 50 процентидан кўпроғини ташкил этади.

Мамлакатда умумий таълим билан бир қаторда турли касбларни ўргатувчи мактаб шохобчалари ҳам кўп. Ўқувчилар ана шу мактабларни тамомлаб чиққанларидан кейин ишлаб чиқаришга борадилар.

Хитойда биринчи ўрмаловчи оғир трактор

ПЕКИН, 17 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг биллиришича, Ляонин вилоятидаги (Шарқи-Шимолий Хитой) Линшань қишлоқ хўжалик машиналари заводи 80 от кучига эга бўлган «Хунци — 80» маркали биринчи ўрмаловчи оғир тракторни ишлаб чиқарган. Бу трактор беш пичоқли икки плуг билан соатига 0,8 гектар қўриқ ерни ҳайдай олади.

Линшань қишлоқ хўжалик машиналари заводи коллективи ҳозирги вақтда бу тракторларни кўплаб ишлаб чиқаришга, ҳамда 100 от кучига эга бўлган янги тракторларни синашга тайёргардик кўрмоқда.

СССРда хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида эронлик журналистларнинг ёзганлари

ТЕХРОН, 16 июнь. (ТАСС). «Иттилоати бануан» журналининг нашриётчиси, яқинда Совет Иттифоқига бориб келган Кудси Масудий хоним ўз журналида «Совет хотин-қизлари қандай яшамоқда» сарлавҳали мақола босиб чиқарди. Мақоланинг автори «қўшни шимолий мамлакатга» қилган сафари вақтида олган таассуротлари тўғрисида, совет хотин-қизларининг турмуш шароити ва уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилади. СССРда, деб ёзади у, хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда туриб меҳнат қилмоқдалар ва ўз меҳнатлари учун эркаклар билан баббаравар ҳақ олмоқдалар. Совет Иттифоқида хотин-қизлар юксак давлат лавозимларида ишламоқдалар, завод ва фабрикаларда меҳнат қилмоқдалар, трамвай, машина ва тракторларни ҳайдамоқдалар. Турли миллатдаги кўпгина хотин-қизлар Олий Советга депутат қилиб сайланган. Маданият, маориф ва тарбия масалалари билан, одатда, хотин-қизлар шуғулланмоқда.

СССРда оналикни сақлаш проблемаси тўла равишда ҳал этилган. Масудий Совет Иттифоқида хотин-қизларга берилган имтиёзлар ҳақида ёзиб, СССРда болаларга катта эътибор берилаётганлигини таъкидлайди. Шаҳар ва қишлоқларда жуда кўп яслилар ва болалар боғчалари бор. Болаларнинг соғлигини сақлаш учун кенг тадбирлар кўрилмоқда.

Автор никоҳ ва оиладий муносабатлар масаласига тўхталиб, совет давлатининг оилани мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини таъкидлайди.

Автор совет хотин-қизларининг ҳозирги қиёфаси тўғрисида гапириб, уларнинг камтарлигини ва меҳнатсеварлигини ўқтириб кўрсатади. Совет хотин-қизлари, деб ёзади Масудий, ўз соддаликларини ва камтарликларини сақлаб қолганлар, ва эҳтимол шунинг учун ҳам улар «янги цивилизация» деб аталувчи «цивилизация» олиб келадиган ифлосликдан холидирлар.

Сўнгра автор совет халқининг маданият ва санъатни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида ёзади. Совет театр санъати, деб таъкидлайди у, катта тараққиётга эришган, совет балети артистлари эса жаҳонда энг яхши артистлардир. СССРда спорт ҳам катта ривож топган. Шу билан бирга хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланмоқдалар.

Пировардида автор СССРдаги маориф системасига тўхталади. Масудий совет кишиларининг, шу жумладан, хотин-қизларнинг ҳам билим олишга интилаётганликларини уқтириб ўтади.

ИРЛАНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЛОНДОН, 16 июнь. (ТАСС). Белфастда Ирландия Коммунистик партиясининг конференцияси бўлди. Конференция партиянинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Ирландия Компартияси 1933 йилда ташкил этилган вақтда у бутун Ирландияда иш олиб борган эди. 1943 йилдан бошлаб у фақат Шимолий Ирландияда иш олиб бормоқда.

Конференция номига кўп мамлакатлардаги қардош коммунистик ва ишчи партиялардан, шу жумладан КПСС Марказий Комитети ва Польша Бирлашган ишчи партиясидан ҳам табрикномалар келди.

Конференцияда Ирландия Коммунистик партиясининг секретари Шон Маррей нутқ сўзлади.

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ ЛИВАН ИШЛАРИГА АРАЛАШУВИГА ҚАРШИ

ҚОҲИРА, 16 июнь. (ТАСС). Асьют шаҳрида (Юқори Миср) кўп кишилик митинг бўлди. Бу митингда Бирлашган Араб Республикаси Миллий иттифоқининг бош секретари Анвар Садат нутқ сўзлади.

Анвар Садат Ливандаги воқеаларга тўхталиб, бундай деди: араб халқлари империалистларнинг Ливан ички ишларига аралашувига қарши норозилик билдирмоқдалар ва Қўшма Штатларнинг ҳамда Англиянинг Ўрта Шарқдаги сиёсатини қораламоқдалар. Анвар Садат халқни ўз бирлигини мустаҳкамлашга ва империалистларнинг кирдикорларига нисбатан ҳушёр бўлишга чақирди. Империалистлар араб мамлакатларининг озодлиги ва мустақиллигига қарши ўзларининг агрессив ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмаслар.

Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессияси барбод бўлганидан кейин, деди Анвар Садат, Қўшма Штатлар худди ана шу мақсадларни бошқа воситалар билан амалга оширишга уриндилар.

Митингда 10 минг киши қатнашди. Митинг қатнашчилари яқдиллик билан резолюция қабул қилдилар. Улар бу резолюцияда Ливан халқининг миллий курашини қўллаб-қувватлаганликларини ва Ливаннинг ички ишларига Англия билан Американинг аралашувини қоралаганликларини билдирдилар.

Албанияда совет колхозлари ҳафталиги

ТИРАНА, 16 июнь. (ТАСС). Албания билан СССР дўстлиги жамияти ва бу жамият маҳаллий бўлимларининг ташаббуси билан бу йил Албания Халқ Республикасида совет колхозлари ҳафталиги биринчи марта ўтказилади.

Бугун ана шу ҳафталик мамлакатдаги энг катта районларнинг бири деб ҳисобланган Корча районида очилди. Ана шу воқеа шарафига қишлоқ хўжалик кооперативлари аъзолари, давлат хўжаликлари ва МТС ходимларининг район йиғилиши ўтказилди. Корча район ижроия комитети раисининг ўринбосари Пальо Темелио совет колхоз тузуми ҳақида доклад қилди.

Албания қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини совет колхозларининг ютуқлари ва тажрибалари билан кенг таништириш мақсадида мамлакатдаги барча кооперативлар ва давлат қишлоқ хўжаликларида суҳбат ва лекциялар ўтказилади. Маданият уйларида ва халқ қироатхоналарида фотовиставкалар очилди ҳамда колхозчиларнинг турмуши ва меҳнатини тасвирловчи кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Шу кунларда Корча районининг деҳқонлари совет мамлакатидаги дўстларига мактублар ёзмоқдалар. Улар бу мактубларида ўз муваффақиятлари ҳамда қийинчиликлари тўғрисида гапирадилар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги тажрибаларини ўзлари билан ўртоқлашишни сўрайдилар.

Яқин кунларда совет колхозлари ҳафталиги Дуррес, Эльбасан, Влор, Фиер районларида ҳамда мамлакатнинг бошқа районларида ўтказилади.

———

«ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ИФОДАСИ

КАТМАНДУ, 16 июнь. (ТАСС). «Кальпана» газетаси Совет ҳукуматининг совғаси сифатида Катмандуда госпиталь қурилишига бағишланган бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: Непал халқи бу совғани Непал ва совет халқлари ўртасида дўстлик ҳамда қардошлик ифодаси деб билиши керак.

———

АМЕРИКА МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ ЎҚИТИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 июнь. (ТАСС). «Крисчен сайенс монитор» газетаси биллиради: янги ўқув йили бошланиши билан Сиэтлдаги ўрт ўрта мактабда рус тилидан дарс берилади. Бу мактабларнинг 200 дан ортиқ ўқувчиси рус тилини ўрганишни истагаликларини билдирган эди, ота-оналар уларнинг илтимосини қувватладилар. Сиэтлдаги бошқа бир қанча мактабларда рус тили энг яхши ўқувчилар учун қўшимча дарс сифатида киритилади.

Сиэтл муниципал мактабларида чет тилларни ўқитиш мудири Э. Бабкок «Крисчен сайенс монитор» газетасининг муҳбирига қуйидагиларни айтди: рус тилини ўрганишга жуда катта ҳавас бошлигига сабаб совет Ер сунъий йўлдошларининг учирилишигина эмас, балки яна шу нарса ҳам сабабки, «руслар билан маданий алокалар кучайиб бормоқда. Кишилар ўзаро алоқа ва ҳамжиҳатлик муҳим эканлигига ва рус тилини билмай туриб, бунга эришиб бўлмаслигини тушуна бошладилар».

———

КАМЕРУН ҚОНУН ЧИҚАРИШ МАЖЛИСИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ПАРИЖ, 16 июнь. (ТАСС). Франция васийлигида бўлган Камерун қонун чиқариш мажлиси резолюция қабул қилди. Бу резолюция Камерунга дарҳол ички автономия беришни, васийлик режимини тугатишни ва Камерунинг мустақил бўлиш ҳуқуқини танишни Франция ҳукуматидан талаб этади. Резолюция Камерунинг Франция ва Англия васийлигида бўлган территорияларини бирлаштиришни ҳам талаб этади.

Носирнинг Нкрума билан музокарлари

ҚОҲИРА, 16 июнь. (ТАСС). Кеча бу ерда Бирлашган Араб Республикаси президенти Носир ва расмий визит билан бу ерга келган Гана бош министри Нкрума ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Бирлашган Араб Республикаси томонидан ташқи ишлар министри Фавзий ва давлат министри Али Сабрий ҳам қатнашмоқда.

Қоҳира матбуоти Нкруманинг визитига ва Қоҳирада бошланган музокараларга катта эътибор бермоқда. «Ашшаоб» газетаси бу музокаралар Бандунг ва Аккрадаги конференциялар қарорлари руҳида мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган, деб ёзади.

«Алахбор» газетаси Носир билан Нкруманинг музокаралари «Сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда Африка мамлакатларининг мустаҳкам ҳамкорлигига негиз солиш мақсадини кузатади» деб таъкидлайди.

Каноп ва жут етиштиришни янада кўпайтирайлик

Областимизнинг Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районларидаги колхозлар асосан каноп ва жут ўстириш билан шуғулланадилар. Техникадан кенг фойдаланиб, илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилаётган Қуйи Чирчиқ районидаги «III интернационал», Энгельс номли, Ленин номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», «Қувват» колхозлари каноп ва жутдан йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бу илғор хўжалик аъзолари 1958 йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, каноп ва жут экинлари парваришини кучайтираётирлар.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, областимизда каноп ва жут етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп. 10 га яқин колхозда каноп ва жутдан паст ҳосил олинади. Ана шу қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш луб экинлари яхши ҳосилини кўпайтиришда энг муҳим резервлардан биридир.

Каноп ва жут экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг яна энг муҳим тадбирларидан бири бу ўсимлигни даланинг ўзида кўкпоялик ҳолида қайта ишлашдир. Шундай қилинса ундан олинадиган маҳсулотнинг сифати юқори бўлади, транспортга кетадиган ва бошқа иккинчи даражали харажатлар камаяди. Бу эса даромаднинг бирмунча кўпайишига олиб келади. Область колхозларида 1950 йилда атиги 245 гектар ердаги каноп ва жут даланинг ўзида қайта ишланган эди. Ўтган йили эса 11407 гектар ерга экилган каноп ва жут даланинг ўзида қайта ишланди. Свердлов номли, «Политотдел», «Правда» колхозларида бу иш айниқса намунали йўлга қўйилди, натижа ҳам қувонарли бўлди. Шунинг учун ҳам бу колхозларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот единицасига сарф қилинадиган меҳнат харажатлари бирмунча тежаб қолинди, даромад кўпайди.

Кўриниб турибдики, каноп ва жутни даланинг ўзида қайта ишлаш колхозларга ҳар жиҳатдан қулайдир. Бу ишни барча колхозларда ҳам кенг йўлга қўйиш керак. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалик артеллари ва МТСларнинг материал-техника базасини янада мустаҳкамлаш талаб қилинади. Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районларидаги бир неча колхозлар КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорига амал қилиб, МТСлардан ўзларига керакли техникани сотиб олдилар. Демак эндиликда бундай колхозларда юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши учун ҳамма шароит бор.

Каноп ва жут етиштириш билан шуғулланадиган колхозларнинг ишини атрофлича анализ қилиш шундай хулосага олиб келдики, бизда бу қимматбаҳо техника ўсимлигининг ҳар центнерини етиштириш учун ҳали ҳам анча кўп меҳнат сарф қилинянти. Областда ҳар центнер каноп-жут етиштириш учун 3 меҳнат куни сарф қилингани ҳолда Красин номли, Будённий номли ва бошқа қатор колхозларда бир центнер каноп ва жут етиштириш учун 5 тадан меҳнат куни сарфланган. Ваҳоланки меҳнат тўғри уюштирилган, нормаллаштирилган Свердлов номли, «Правда» колхозларида эса бир центнер каноп ва жутни етиштириш учун атиги биттадан меҳнат куни сарф қилинган.

Колхозларда ҳосилнинг ортиб, даромаднинг кўпайиши, колхозчиларнинг меҳнат кунларига тўланадиган пул ва натура ҳақлари ҳамда даромад фондининг кўпайиб бораётганлиги ва шу масалалар билан боғлиқ бўлган баъзи бир мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Айрим колхозларда луб экинининг айрим турларидан олинадиган даромад, шунингдек каноп ва жут ўсимлиги етиштирилганлиги учун бериладиган устама мукофотнинг миқдорини анализ қилиш шуни кўрсатдики, луб экинларига давлат томонидан ҳақ тўлаш тартибига бирмунча ўзгартириш киритиш керак бўлади. Бу, биринчидан, каноп ва жутга бериладиган устама мукофотнинг мувофиқлаштириш, иккинчидан эса каноппинг кўкпояси билан уруғлик пояси ўртасидаги фарқни тўғри белгилаш, учинчидан эса жут ўсимлиги поясининг баҳосини қайта кўриб чиқиш масалалари билан боғлиқдир.

Маълумки, 1949 йилда давлат контрактация планига мувофиқ пландан ташқари маҳсулот топширган колхозларга 50 процентдан тортиб 300 процентгача устама мукофот бериларди. Бунда ҳар гектар ердан олинган ҳосил ҳисобга олинарди. Лекин тажриба, бу қоида юқори ҳосилли колхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда камқувват колхозларнинг манфаатларига зид бўлиб тушаётганлигини кўрсатмоқда.

Мисол учун икки колхозни олиб кўрайлик. Бу колхозларнинг бирида план бўйича гектаридан 20 центнердан, иккинчисида эса 50 центнердан ҳосил етиштирилиши керак эди деб фараз қилайлик. Бу колхозларнинг ҳар иккиси топширилган планни 150 процентга етказиб бажарган тақдирда биринчи колхозда давлатга топширган ҳосилнинг ҳар тоннаси ўртача тайёрлов баҳоси устама мукофот билан қўшиб ҳисоблаганда 840 сўм, иккинчи колхозда эса 1440 сўмни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар икки колхозда планнинг бажарилиш процанти бир ҳилда бўлса ҳам биринчи колхоз иккинчи колхозга қараганда 600 сўм кам пул олган. Ёки бошқа бир мисол: юқоридаги колхозларнинг ҳар бири давлатга пландан ташқари гектаридан 10 центнердан ортиқ ҳосил топширди, деб ҳисоблайлик. Бунда ҳам пландан ташқари топширилган ҳосилнинг миқдори ҳам, сифати ҳам бир ҳил бўлишига қарамасдан биринчи колхозга ўртача тайёрлов баҳосининг 50 процанти миқдорида 360 сўм, иккинчи колхозга эса ўртача тайёрлов баҳосининг 300 процанти миқдорида 2160 сўм устама мукофот берилади. Бу мисоллардан келиб чиқадиган хулоса, шуки, эндиликда 1949 йилдаги контрактация-планининг бажарилишига қараб ҳақ тўлаш тартиби талабга жавоб бермай қолди. Бу тартибни ўзгартириш, яъни каноп ва жутга ҳақ тўланганда унинг сортини асосий ўлчов қилиб олиш ёки каноп ва жут етиштириш учун сарф бўладиган харажатнинг 10-15 процанти миқдорида устама мукофот беришни қатъий қилиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз юқорида колхозлар каноп ва жутни даланинг ўзида кўк поялик ҳолида қайта ишлашни йўлга қўйсалар, уруғлик каноп ва жут етиштиришга қараганда 4-6 марта кўп даромад оладилар, деб айтиб ўтган эдик. Негаки, ҳозирги пайтда етиштирилаётган уруғлик каноп ва жут ҳосилининг тайёрлов баҳоси кўк поя ҳолида қайта ишланадиган каноп ва жутнинг тайёрлов баҳосига қараганда ўртача 23,6 процент камдир. Ваҳоланки уруғлик канопдан олинадиган тола узунлиги ва ҳосили жиҳатидан кўк пояли ва жутдан жуда кам фарқ қилади. Бунинг сабаби шуки, уруғлик каноп ва жут заводга ярим тайёр ҳолда топширилади. Демак, уруғлик канопнинг баҳоси уни етиштириш, тайёрлаш учун сарф бўладиган харажатларни тўла қоплай олмайди. Булардан чиқадиган хулоса шуки, уруғлик каноп баҳоси кўк пояли каноп ва жутнинг баҳосидан паст бўлмаслиги, аксинча, юқори бўлиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган мулоҳаза ва таклифлар диққат билан кўриб чиқилиб, ҳал қилинса каноп ва жут етиштириш билан шуғулланадиган колхозларни янада рағбатлантириш ва бу колхозларда ҳосилни кескин ошириш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилади.

И. РЕУТ.

Қисқа хабарлар

◆ 15 июнда Брюсселдаги Жаҳон виставкасида бадиий фильмлар халқаро фестивали тамом бўлди. Чехословакиянинг «Маккарона уйдирма» номли фильмига катта мукофот берилди. Фестивалда кўрсатилган иккала совет фильми ҳам мукофотланди. «Мен яшаётган уй» фильмига яхши постановка учун, «Тинч оқар Дон» фильмига яхши ранглар учун мукофот берилди. «Мен яшаётган уй» кинокартинасига Жаҳон виставкасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секцияси бош комиссариатининг мукофоти ҳам берилди.

◆ Лешно шаҳрида (Польша) планер спорти бўйича жаҳон биринчилиги учун еттинчи мусобақа бошланди. Мусобақада жаҳондаги 22 мамлакатдан 60 планерчи қатнашмоқда. Мусобақа қатнашчилари орасида — Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Югославия, Англия, Франция, АҚШ ва бошқа давлатларнинг вакиллари бор.

◆ Британия Колумбияси вилоятининг юз йиллиги муносабати билан Халқаро авиация виставкасида қатнашиш учун Ванкуверга (Канада) келган «ТУ—104» совет самолётининг экипажи 15 июнда Ванкувер районида жойлашган Канада ҳарбий ҳаво кучлари парадида ҳозир бўлди. «Канадиан пасифик айрлайнс» компанияси ғарбий линияларининг бош бошқарувчиси Г. Макконачи экипаж шарафига қабул маросими ўтказди. Ванкувер аҳолиси совет самолётидан қойил қолганлигини билдиради. Канада матбуоти «ТУ — 104» самолётига юксак баҳо бермоқда.

◆ Льежда (Бельгия), гостролга келган совет цирки артистларининг биринчи тамошалари бўлди. Совет артистларининг тамошалари зўр муваффақият билан ўтди.

◆ 11 июндан 11 июнгача Гаагада Москва билан Амстердам ўртасида бевосита ҳаво алоқаси ўрнатиш масаласи юзасидан Совет ҳукумат делегацияси билан Нидерландия короллиги ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар олиб борилди. Бу музокаралар натижасида томонлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир битимга келдилар. 16 июнда битим имзоланди. Битимда 21 июлдан бошлаб СССР ва Нидерландия пойтахтлари ўртасида мунтазам ҳаво алоқаси ўрнатиш кўзда тутилади.

16 июнь. (ТАСС).

Ер учинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Учинчи сунъий йўлдош 17 июнь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 444 марта айланиб чиқди. Учирувчи ракета йўлдошдан икки ярим давра олдинда учиб бормоқда. Учинчи сунъий йўлдошни ва уни учирган ракетани эрталаб қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 35 градусидан 44 градусигача ҳамда кечқурун қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 54 градусидан 65 градусигача визуал кўриш мумкин.

Қисқа сатрларда

◆ **Чирчиқ.** Шаҳардаги қаттиқ қотишмалар заводи ҳузуридаги медицина-санитария пунктида янги рентген кабинети очилди. Мураккаб рентген аппарати билан таъминланган бу кабинет беморларни даволашда яхши хизмат қилмоқда.

Т. Урунов.

◆ **Сирдарё.** Районнинг Сирдарё посёлкасидаги 4- қурилиш участкаси маъмурияти ва касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан янги ёзлик кинотеатр, 3 та икки қаватли уй-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. Муҳамедов.

◆ **Гулистон.** Сталин номли колхоз территориясида 600 метр чуқурликда қудуқ қазилиб, артезиан суви чиқарилди. Колхоз аъзолари хуш тамли тоза сувни мамнун бўлиб истеъмол қилмоқдалар.

О. Тиловбердиев.

◆ **Оҳангарон.** Шаҳардаги айрим саноат корхоналари ва қурилиш бошқармалари ишчиларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ўз маблағларига киноаппарат сотиб олмоқдалар. Ҳозир «Ўзбекуголь» комбинати, «Ўзбекшахтострой» трести бошқармаси ва «Энергетик» клуби ўз аппаратларига эгадирлар.

А. Кўкиев.

◆ **Қуйи Чирчиқ.** Районнинг «Коммунизм» колхозида ёқилғи билан ишлайдиган электростанция қурилиб, ишга туширилди. Шу электростанция орқали 300 колхозчи хоналони Ильич нурлари билан ёритилди.

Қ. Имомов.

◆ **Оржоникидзе.** Райондаги 15-мева-сабзавотчилик совхозида янги етти йиллик мактаб биноси қуриб битказилди. 1958-1959 ўқув йилида болалар янги мактабда таълим оладилар. Шунингдек «Сталинград» колхози марказида юздан ортиқ бола тарбияланадиган боғча биноси қурилиб ишга туширилди.

М. Зокиров, С. Мирзаалиев.

Республика проект институтида

Суратда: «Узгоспроект» институтининг старший инженери **Н. Икромов** (ўртада) техник **М. Мирусмонов** (чапдан ўнгга), старший инженер **А. Брасловский** ва техник **Р. Белялов** ўртоқлар Тошкентда қуриладиган газ қабул қилиш тақсимлаш станциясининг проектини муҳокама қилмоқдалар.

В. Панов фотоси.

Серқуёш республикамиз пойтахти — Тошкент борган сари обод ва кўркам тусга кирмоқда. Шаҳарда янги-янги кенг кўчалар, кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда.

Ана шу бинолар проектини ишловчи авторларнинг кўпчилиги ишлаётган Ўзбекистон Давлат проект институтида бўлдик. Институт бош инженерининг ўринбосари Александр Григорьевич Киселев бизни проектчилар фаолияти билан таништирди. Бу ерда 600 ходим ишлайди. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкентдаги бошқа олий ўқув юртлари етиштирган кадрлардан иборат.

Институтда янги шаҳар ва посёлкалар, уй-жой кварталлари ва массивлар, канализация ва сув, газ таъминоти, электрофикация проектлари ишланади. Бинолар проекти Ўзбекистон шароитига мослаштириб — 7 ва 8 балли зилзилага чидамли қилиб тузилади. Шунингдек бу проектлардан ер қимирламайдиган районларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Типовой проектлар тузиш институт фаолиятининг муҳим соҳаси ҳисобланади. Уй-жой, клуб, ясли ва мактаб биноларининг типовой проектларини тузишда биноларнинг арзон, ҳар томонлама қулай, монтажи содда бўлиши, индустриал методларнинг кенг қўлланилишига алоҳида эътибор бериш керак. Шу билан бирга мавжуд иқлим шароитини ҳисобга олиш, ўзбек халқининг миллий архитектура бойликларидан самарали фойдаланиш зарур. Институт ходимлари типовой проект тузишда ана шу талабларга қатъий риоя қиладилар. Шу сабабли ҳам бу институтда тайёрланган типовой проектларга талаб катта. Тошкентда ишланган типовой проектлар Молдавиядан тортиб Камчаткагача машҳурдир. Шунингдек, институтда тайёрланган типовой проектлар Ҳиндистон, Монголия ва бошқа мамлакатларга ҳам юборилади. Институт типовой проектлари учун Бутуниттифоқ конкурсида икки марта мукофот ҳам берилган.

Ҳозир Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарлари 25 йилга мўлжалланган ўз генерал планига эга. Район марказларидан эса 70 проценти генерал план билан таъминланган. Генерал планда шаҳарнинг хўжалик ва маданий жиҳатдан 25 йил ичида ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши аниқ ҳисобга олинган.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Кенг экранли ёзги кинотеатр

Кенг экранли кинотеатрда бадиий фильмларни тамоша қилишнинг ўзгача гашти бор. Шунинг учун ҳам янги кенг экранли ёзлик «Искра» кинотеатрининг ишга туширилиши пойтахт меҳнаткашларини қувонтирди. Бу маданий муассаса собиқ ёзги «Искра» кинотеатри ўрнида жойлашган.

Кинотеатр экранининг эни 17 метр баландлиги эса 7 метрга етади. Экран орқасига 3 та агрегатли радио ўрнатилган. Залда эса 12 та юқори частотали ҳамда 12 та паст частотали радио ишлаб туради. Бундан ташқари тамоша залида 24 та эффектли баланд овоз билан гапирадиган радио ҳам ишлайди. Тамоша зали яхши жиҳозланган бўлиб, бирйўла 1650 киши сигади. Кинофильмни кўрсатиш учун тажрибали механиклар ажратилган.

Кинотеатр ишга тушган куни меҳнаткашлар отоқли ёзувчи А. Толстойнинг «Сарсонликсаргардонликда» номли трилогияси асосида ишланган фильмнинг иккинчи серияси—«1918 йил» деб аталувчи янги бадиий фильмни завқ билан тамоша қилдилар. Бу янги кенг экранли кинотеатрда Москва киностудиясида ишлаб чиқариладиган махсус фильмлар ҳам кўрсатилади.

А. АЛИЕВ.

МАКТАБЛАРДАН ДАРАКЛАР

Кекса педагогларимиз ҳурматда

— Онахонимиз Валентина Петровна билан отахонимиз Тоирхўжа Султоновларни ҳали ким кекса дейди. Улар кундан-кунга яшармоқдалар, — дейди директор Ўртоқ Афандиева ҳурматли ўқитувчиларнинг юбилейига бағишланган йиғилишни очар экан.

Ҳақиқатан ҳам уларнинг ёши 60 дан ошиб қолган бўлса ҳам ҳурматли педагоглар ҳали жуда бақувват, хушчақчақ. Улар ўқувчилар ичига кирганда ўзларини ҳам ана шу бахтиёр болалардек тетик сезадилар. Чунки улар ўзларининг 40 йилга яқин умрларини болалар билан бирга ўтказганлар.

Яқинда Октябрь районидаги 13-мактаб коллективи мактабнинг кекса педагогларидан В. Еремина ва Т. Султонов ўртоқларнинг туғилганига 60 йил, ўқитувчилик фаолиятига 40 йил тўлиши муносабати билан юбилей ўтказдилар.

Мактаб илмий мудири ўртоқ Р. Азимов 40 йилдан бери фақат 1- синф эркатойларини ўқитиб келаётган Тоирхўжа аканинг фаолияти ҳақида сўзлаб шундай деди:

Тоирхўжа ака ҳали қўлига қалам ушлашни билмаган, мактаб остонасига биринчи қадам қўйган шўх ўқувчиларни мактаб қоидаларига ўргатади. У болаларнинг юрагини яхши билади. Шу билан бирга кекса педагог ёш ўқитувчиларга ҳам уста маслаҳатчидир.

Ҳурматли ўқитувчи Ереминанинг самарали меҳнати ҳақида сўзлаган ўртоқлар ҳам унинг педагоглар учун ибрат бўладиган ишлар қилганлиги, ўқувчиларга ҳам мураббий, ҳам меҳрибон она сифатида ғамхўрлик кўрсатганлигини гапирдилар.

Юбилейда табрик учун сўзга чиққан ўртоқлар республикада хизмат кўрсатган икки ўқитувчига совғалар тақдим қилдилар, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиладилар.

Ф. УСМОНОВА.

Мактаб ҳаёти

Чирчиқ шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқув-тарбия ишларини намунали олиб бораётганлиги, ўқувчиларнинг политехника таълимини эгаллашларини яхши уюштирганлиги учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика касаба союзлари комитети томонидан кўчма Қизил байроқ билан мукофотланди.

У. Турдивалиев.

* * *

Калинин районидаги 4-мактабнинг ёш пиллачилари 2 қути қурт боқдилар. Улар ҳар қути уруғдан 60 килограммдан пилла топширдилар.

Е. Йўлдошев.

Оҳангарон шаҳридаги 9-етти йиллик мактабда спортчилар тўгараги ташкил қилинди. Тўгарак қатнашчилари спортнинг барча турлари бўйича машғулотлар ўтказмоқдалар. Уларга яхши шароит яратилиб, турли инвентарлар олиб берилган.

К. Абдувоҳидов.

* * *

Қуйи Чирчиқ районидаги 25-мактаб ўқувчилари 2 гектар ерга турли мевали дарахтлар, хилма-хил экинлар экиб парвариш қилмоқдалар. Ўқувчилар боғбонлик касбини зўр ҳавас билан эгалламоқдалар.

Т. Сулаймонов.

Янги нашриёт

Яқинда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузурида республика Давлат медицина нашриёти ташкил қилинди. Бу нашриёт Совет Иттифоқидаги тўртинчи (Москва, Киев, Тбилисидагидан кейин) медицина нашриётидир. Шу вақтгача республикада медицинага оид 4 олий ўқув юрти, 15 техникум, 10 дан ортиқ илмий-текшириш институти ҳамда бир қанча врачлар малакасини ошириш курслари мунтазам равишда ишлаб келмоқда. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларига катта ҳисса қўшаётган атоқли олимлар, фан докторлари, кандидатлари кўп. Улар яратган янгиликлар, илмий асарлар, монографияларни айрим китоб ҳолида чиқаришни нашриёт ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Нашриёт бу йил 600 босма листдан иборат медицина адабиётлари босиб чиқаради. Улар орасида 18 илмий асар, 10 илмий оммабоп китоб, рус ва ўзбек тилларида 15 га яқин олимнинг монографиялари, олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида русчадан таржима қилинадиган адабиётлар бор.

Медицина фанлари доктори Х. Юнусованинг «Бруцелёз касаллигини вакцина билан даволаш», профессор И. Мусабоевнинг «Терлама касалликларида жигарнинг паталогияси» каби муҳим асарларини босиб чиқариш планлаштирилган. Нашриёт бу йил кузда Тошкентда очиладиган республика медицина ходимлари съездига бир неча китоб чиқариш учун катта тайёргарлик кўрмоқда.

Нашриёт келгуси йилда чиқариладиган китоблар ҳажмини 2000 босма листга етказмоқчи. Бу эса медицинага оид кенг ҳажмли журнал чиқариш, чет эл, айниқса Шарқ халқларининг медицина тарихини ўрганиш имкониятини туғдиради.

А. ПУЛАТОВ.

Даволаш муассасалари тармоғи кенгаймоқда

Аҳоли талабларига мувофиқ областимизда медицина даволаш муассасалари тармоғи борган сари кенгаймоқда. Ҳозир областда турли касалликларни даволовчи 500 га яқин шифохона бор. Ана шу шифохоналарда 1200 га яқин малакали врач меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш йўлида ҳормай-толмай ишламоқда. Районлардаги фельдшер-акушерлик пунктларининг фаолияти кун сайин яхшиланмоқда.

Кўпгина районлардаги колхозларда аптека, амбулаториялар ва 40 дан ортиқ туғруқхона ишлаб турибди. Бу даволаш муассасалари малакали медицина кадрлари билан етарли таъминланган.

Ўтган йил охирида Олмалиқ шаҳрида 200 койкали шифохона, Оҳангарон шаҳрида поликлиника ва 35 койкали шифохона очилиб, ишга туширилган эди. Ҳозир бу медицина-даволаш муассасалари шаҳар меҳнаткашларига яхши медицина хизмати кўрсатмоқдалар.

Шу кунларда Чирчиқ шаҳрида 100 ўринли, Ўртасарой районида 35 койкали шифохона қурилмоқда. Бу объектлар яқин кунларда битказилиб, ишга туширилади.

Н. НАСИМОВ.

«Мактабимизнинг ўлкашунослик бурчаги учун»

В. Николяи фотоэтюди.

Хитой—Ўзбекистон

СУЗУВЧИЛАР ВА СУВ ПОЛОЧИЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИЛАР

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон сузувчилари ҳамда сув полочиларининг халқаро мусобақаси уч кун давом этиб, 17 июнда тамом бўлди.

100 метр масофага баттерфляй усули билан сузишда хотин-қизлар ўртасида Т. Потапова биринчиликни эгаллади. У, масофани 1 минут 22 секунд ичида сузиб ўтди. Иккинчи ва учинчи ўринларни хитойлик сузувчилар Си Тянь-жань ва Жан Цю-ся эгалладилар.

Эркаклар ўртасида эркин усул билан 1.500 метр масофага сузиш учун старт берилди. Қизғин курашда А. Герасимов биринчи бўлиб манзилга келди. Иккинчи ва учинчи ўринларни меҳмонлар эгаллади.

Сузувчилар мусобақаси тамом бўлди. Судьялар коллегияси узил-кесил натижаларни ҳисоблаб чиқарди. Ўзбекистон спортчилари ўн беш масофанинг тўққизтасида, меҳмонлар эса, олтитасида биринчи бўлдилар. Уч кунлик мусобақа натижасида Ўзбекистон ССР терма командаси 97 очкога эга бўлиб, биринчи ўринни олди. Хитой Халқ Республикаси терма командаси 87 очкога эга бўлди.

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон сув полочилари иккинчи марта мусобақалашдилар. Ўйин 3 ҳисоби билан дуранг бўлди. Шундай қилиб, икки учрашув натижасида Ўзбекистон сув полочилари 3 очкога, меҳмонлар эса 1 очкога эга бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети кечқурун Хитой Халқ Республикаси спорт делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Кабул маросими дўстона вазиятда ўтди. Мусобақа голибларига дипломлар топширилди. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

Ишончли ғалаба

Кеча «Пахтакор» командаси ўз майдонида қарағандалик «Шахтер» футболчилари билан учрашди.

Бу сафар «Пахтакор» командаси составида 4 запас ўйинчи асосий ҳужумчи ва яхши ҳимоячи сифатида ўйнади. Шунинг учун бу ўйин тошкентликлар учун жуда масъулиятли эди. Улар ўйиннинг биринчи ярмида бир неча марта жиддий ҳужум қилдилар. 30- минутда Мақсудов бошлаган комбинация дарбозага тўп киритиш билан якунланди. 1:0 ҳисоби билан командалар дам олишга чиқадилар.

Иккинчи таймда «Пахтакор» командаси ҳужумни янада кучайтиради ва кетма-кет 4 тўп киритишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб «Пахтакор» командаси бу мусобақани 5:0 ҳисоби билан ютиб «Б» класс бешинчи зонасида учинчи ўринга чиқди.

Телевизор экранида

19 ИЮНДА

19.30 Болалар учун «Ажойиб матч» мультипликацион фильми.

19.50 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

20.10 Киножурнал.

20.20 «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан» цикилдан рус тилида адабий эшиттириш. Миср шоирларининг шеърлари ўқилади.

20.50 Бадиий фильм — «Тўрт киши».

Мустақил тараққиёт йўлида

(Миср республикасининг эълон қилинганлигига 5 йил тўлиши муносабати билан).

Бугун Миср республикасининг эълон қилинганига беш йил тўлди. Бирлашган Араб Республикасининг барча халқлари Миср республикасининг ана шу беш йиллигини миллий байрам сифатида кенг нишонлайдилар.

Миср халқи ўз мустақиллигига осонликча эришгани йўқ. У юз йиллар давомида турк босқинчиларига қарши, сўнгра инглиз мустамлакачиларига қарши мардона курашиб келди.

Миср халқининг миллий-озодлик кураши, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин янада авж олиб кетди. Миср халқи асоратли шартномаларни бекор қилишни, Миср территориясидан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетилишини катъий талаб қилиб чиқди. Инглиз империалистлари Миср халқининг бу адолатли талабини бўғиш мақсадида барча чораларни кўрдилар. Лекин империалистлар эрксевар Миср халқининг пўлат иродасини синдираолмадилар. 1952 йилнинг июль ойида Миср армиясининг ватанпарвар офицерлари Гамал Абдул Носир бошчилигида давлат тўнтариши уюштирдилар. Феодализмнинг символи, империализмнинг малайи бўлмиш Миср короли тахтдан туширилиб, мамлакатдан ҳайдалди. 1953 йил 18 июнда Миср республика деб эълон қилинди. 1956 йил 18 июнда эса Миср территориясидан охирги инглиз қўшинлари олиб чиқиб кетилди.

Янги тузилган республика ҳукумати мустамлакачилик зулмининг оғир оқибатларини тугатиш, саноатни ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш, шунингдек кўп асрлик бой маданиятни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширабошлади.

Кейинги беш йил ичида мамлакатни индустриалаштириш, янги саноат объектларини барпо қилиш ва саноат маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш соҳасида бир мунча муваффақиятларга эришилди. Вагон ясаш, аккумулятор ясаш заводлари, нефтни қайта ишлаш, автомобилнинг айрим қисмларини ишлаб чиқарувчи заводлар, жут, қоғоз фабрикалари ва бошқа саноат корхоналари қурилди.

Республика ҳукумати саноат корхоналарини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини электр қуввати билан тўла таъминлаш юзасидан катта ишлар қилди. Бу соҳада, умуман мамлакат экономикасини юксалтиришда «Ас-садд-ал-олий» проектини амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу проектга мувофиқ Нил дарёсида улкан тўғон ва гидроэлектростанция қурилмоқда. Тўғоннинг баландлиги 110 метр, узунлиги 5 километр, сув омбори эса 130 миллиард кубометр ҳажмда бўлади. Гидростанция 16 генераторга эга бўлиб, йилига 8,3 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилади. Бу улкан тўғон ва гидростанциянинг қурилиб ишга туширилиши 2 миллион феддан ерни суғориш ҳамда мамлакатда электр-қуввати ҳосил қилишни ҳозиргига қараганда 5 ҳисса кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. 1952 йилда Мисрда ер ислоҳоти ҳақида қонун қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ йирик ер эгалари ихтиёридаги 200 феддан (1 феддан— 0,42 га) дан ошиқ экин майдони давлат ихтиёрига олиниб, ерсиз деҳқонларга бўлиб берилади. Бу қонун асосида 1956 йилнинг бошларига келиб 400 минг феддандан ошиқ ер деҳқонларга тақсимлаб берилди.

Республика ҳукумати янги ерларни ўзлаштириш, қўриқ ва бўз ерларни очиш ишларига катта аҳамият берди. 1953 йилда мамлакатнинг Шимолий-Ғарбий қисмида «Ат-Таҳрир» (озодлик) номли янги вилоят ташкил этилди. Бу вилоятда 15 йил ичида 1,2 миллион феддан ерни ўзлаштириш кўзда тутилган. «Ат-таҳрир» даги янги ерларни ўзлаштириш натижасида мамлакатдаги экин майдонлари 20 процент кўпайиб, 600 — 700 минг деҳқон хўжалиги ер билан таъминланади.

Миср ҳукумати халқ хўжалигини янада тез суръатлар билан ривожлантириш учун ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда чет эл капиталига қарашли ишлаб чиқариш воситаларини давлат ихтиёрига олиш каби тадбирларни кўрди.

1956 йилда Миср ҳукумати Сувайш каналини национализация қилди. Буни бутун дунё жамоатчилиги қизғин қўллаб-қувватлади. Айни бир вақтда Сувайш каналининг Миср давлати ихтиёрига олиниши Англия, Америка ва Франция ҳукмрон доираларини гоят ташвишга солиб қўйди. Улар Сувайш канали устидан ўз ҳукмронликларини қайта тиклаш мақсадида Миср халқига қарши ҳоинона уруш бошладилар.

Лекин миср халқининг агрессорларга қарши қаҳрамонона, адолатли кураши ва бутун дунё тинчликсевар жамоатчилигининг кескин талаби натижасида империалистлар қонли урушни тўхтатишга ва ўз қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Миср ҳукумати Миср республикаси барпо қилингандан бошлабоқ ўз ташқи сиёсатида тинчлик, ўзаро тинч-тотув яшаш, халқаро ҳамкорлик ва бетарафлик принципларига амал қилиб келди. Миср Африка ва Осиё мамлакатлари Бандунг конференциясининг ташаббускорларидан бири бўлди ва империалистларнинг ҳарбий блоклар тузиш ва янги жаҳон урушини бошлашга қаратилган агрессив сиёсатларини қоралади.

Миср халқининг озодликка бўлган интилишини, бутун прогрессив инсоният, жумладан Совет Иттифоқи доимо ҳайриҳоҳлик билдириб қўллаб-қувватлади.

Совет-Миср муносабатлари дўстлик, тенг ҳуқуқлилик, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва тинч-тотув яшаш принциплари асосида ривожланмоқда. Совет-Миср иқтисодий ва маданий алоқалари кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасида имзоланган бир қанча шартномаларда ўз ифодасини топди.

Шу йилнинг февралида барча араблар, жумладан Миср халқи тарихида буюк воқеа юз берди. Миср ва Сурия халқларининг ҳохиши билан икки мамлакат ягона Бирлашган Араб Республикасига бирлашдилар. Бу бирлашиш икки қардош халқ миллий манфаатларининг умумийлиги ва бир мақсадга қаратилганлиги асосида бунёдга келди. Бирлашган Араб Республикасининг бунёдга келиши империалистларнинг араблар бирлигини бузишга қаратилган агрессив сиёсатларига қаттиқ зарба берди.

Бирлашган Араб Республикасининг барпо этилишини прогрессив жамоатчилик, шунингдек Совет Иттифоқи халқлари қизғин маъқуллладилар. Янги республикани биринчи бўлиб Совет ҳукумати ва бошқа социалистик мамлакатлар тандилар.

Бирлашган Араб Республикаси барпо этилган кундан бошлаб шу вақтгача давом этиб келган совет-араб дўстона муносабатлари янада ривожланди, мустаҳкамланди. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамал Абдул Носирнинг Совет Иттифоқига келиши совет-араб дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Бирлашган Араб Республикаси халқларининг миллий байрам кунида совет халқлари уларга янги ҳаёт қуришда муваффақиятлар тилайди.

ҲАР ТЎҒРИДА

Нондан ясалган соат

Германия Федератив Республикасининг Гере шаҳрида ажойиб бир осма соат бор, соатнинг ҳамма қисми нондан ясалган. Бу соат 45 йилдан ортиқ вақтдан бери муттасил юриб турибди. Вақтни эса секундигача аниқ кўрсатади. Бу соатга агар кейинчалик бирор шикаст етмаса у яна шунча йил бемалол ишлаши мумкин.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 18/VI да **Чин муҳаббат**, 19/VI да **Юрак сирлари.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Қуш сотувчи**, кеч соат 9 ва 11 да **Сохта орзу.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Уч ойна.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Ўн саккизинчи йил** (кенг экранли фильм).

«Хива» **Уч ойна.**

КАФАНОВ номли — **Қуш сотувчи.**

«САЛЮТ» — **Карнавал кечаси.**

Олмазор кўча, Малярний проезд, 21-уйда турувчи **Маҳбуба Абдураҳмонов**ванинг Олмазор кўча, 11-уйда турувчи Абдулхай Абдураҳмоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7- участка халқ судида кўрилади.

Чиғатой кўча, Чаманзор проезд, 56- уйда турувчи **Тўхтажон Қулматов**нинг Чиғатой кўча, 353- уйда турувчи Карима Юнусовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2- участка халқ судида кўрилади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ЎЗБЕКИСТОН“ *журнали*

1958 йил июль ойидан бошлаб анча кенгайтирилган ҳажмда ва тўртта қўшимча рангдор саҳифалар билан чиқади.

Журнал республиканинг саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳасида эришган ютуқларини кенг ёритади. Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан парчалар, ҳикоялар, фельетонлар, шеърлар, сатира ва юмор, фан ва техника, медицина ютуқлари ҳақида ахборот, шахмат масалалари ва бошқаларни бериб боради.

Журнал ўзбек ва рус тилларида босилади.

Ойлик иктимоий-сиёсий ва адабий-бадиий «Ўзбекистон» журналига обуна бўлингиз! Обуна баҳоси: 6 ойга — 18 сўм, айрим сони— 3 сўм.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида қабул қилинади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01669. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-505.